

Da'vat

Qaynayotgan qozonga pashsha yaqinlashmaganidek, ish bilan band kishinikiga bekorchi mehmon kam keladi.

Benjamin FRANKLIN



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 10-iyul, shanba № 56 (7665)

Kuch – bilim va tafakkurda

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

9 июль куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилояти ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўзига хос юксак салоҳиятини намоён этаётгани, унинг юртимиз ривожига катта улуш қўшаётгани ва намуна бўладиган кўпдан-кўп жиҳатлари борлиги ҳақида гапирди. Биз буни Самарқанд заминида ўзаро тотув ва ҳамжиҳат яшаётган кўп миллатли аҳоли тимсолида, ижтимоий инфратузилмалар, етакчи олий ўқув юртлири, фан ва маданият масканлари фаолиятида, саноат, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида, вилоятнинг бугунги ҳаёти ва буюк истиқболга интилишида кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сессияда гап вилоят ҳокими ва умуман вилоят раҳбариятининг иши, вилоят ҳаётига таъсири, номақбул оқибатларга олиб ке-

лиши мумкин бўлган айрим ҳолатлар, бошқача айтганда, юзага келган носоглом муҳит ва уни бартараф этиш, тегишли чоралар кўриш ҳақида борди.

Вилоятда сўнгги олти-етти ой давомида бажарилган ишлар таҳлили Самарқанд вилояти ва шаҳрида вазиятнинг тобора кескинлашиб бораётганини, ҳозирги вақтда кўпгина ноҳўя хатти-ҳаракатлар, жиноий ишлар очилаётганини, ўз вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолатлари, адолат бузилиши, энг ачинарлиси, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик кўринишлари, кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз уқтирганидек, бундай вазиятда жойларда ишлаётган минглаб одамларнинг адолатга, ҳаётга, эртанги кунга ишончи йўқолиши, улардаги ташаббускорлик, изланувчанлик ва меҳнатсеварлик интилишларига путур етиши мумкин. Вилоятдаги тадбиркор ва изланувчан раҳбар ва мутахассисларнинг ҳам ишдан қўли совиб қолади. Ўз вақтида бундай хавфни сезмаслик ва

унга қарши тегишли чораларни кўрмаслик оғир оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Рустам Холмуродов Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислон Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси молия вазири лавозимида ишлаб келаётган Мамаризо Нурмуродов Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими раиси Темур Ширинов, Самарқанд шаҳридаги 1-педагогика коллежи директори Дўпал Носирова, Нарпай тумани ҳокими Акбар Жамилов ва бошқалар Президентимиз нутқида келтирган танқидий фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни масъулият билан адо этиш вилоят аҳлининг муҳим бурчи эканини таъкидладилар.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

М.Б.Нурмуратовни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб

тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ; Мамаризо Бердимуратович Нурмуратов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Р.И. Холмуродовни Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан

озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ; Рустам Ибрагимович Холмуродов Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 9 июль

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

ТЕСТ – СИНОВ-
ДАНГИНА
ИБОРАТ
ЖАРАЁН ЭМАС

3-бет

МЕҲРИНГНИ
АЯМА, КЎРСАТ
МУРУВВАТ

7-бет

Ўзбекистон
Республикаси
мактабгача, умумий
ўрта ва мактабдан
ташқари таълим
муассасаларини
аттестациядан
ўтказиш
ТАРТИБИ



8-9-бетлар

ҚОСИМЖОНОВ
ДУНЁ НИГОҲИДА

15-бет

УСТОЗЛАРИМ
ИШОНЧНИ
ОҚЛАЙМАН

16-бет



УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Олий таълим муассасаларига ҳужжат топширувчи абитуриентлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Тошкент давлат педагогика университетида бу кўрсаткич бугунгача 2450 нафарга етди. "Тарғибот-ташвиқот ишларини март-апрель ойларидан бошлаганмиз. Барча маълумотлар: дастурлар, баҳолаш мезонлари акс эттирилган стендлар тайёрланди. Абитуриентлар кутубхоналардан фойдаланиши, билимларини синаб кўриш учун компьютер маркази тестларини ўташ мумкин", - дейди доимий фаолият кўрсатаётган қабул комиссиясининг масъул котиби Дилшод Эргашев

Университетга 24 та йўналиш бўйича абитуриентлар қабул қилиш режалаштирилган. Бешта махсус сиртки бўлим ҳам фаолият юритмоқда. "Мактабгача таълим ва болалар спорт" йўналиши жорий йилдан йўлга қўйилди. Янги ўқув йилида абитуриентлар орасидан 2250 нафари талабалик бахтига эришиб, университетда таҳсил олишади.

Суратларда: қабул жараёнидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARIMAJMUA
YIG'ILISHI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Oila, onalik va bolalikni ijtimoiy muhofaza qilish majmuining yig'ilishi bo'lib o'tdi. O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari S.Inomova boshqargan yig'ilishda tegishli vazirlik, idora va jamoat tashkilotlari rahbarlari, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi Raisining, viloyatlar va Toshkent shahar hokimining o'rinbosarlari qatnashdi.


Yig'ilishda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2004-yil 25-maydagi «O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi faoliyatini qo'llab-quvvatlash borasidagi qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida»gi farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining shu haqdagi qarorining izchil bajarilishini ta'minlash borasidagi masalalar ko'rib chiqildi.

YAKUNLAR
SARHISOB
QILINDI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Aloqa va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari masalalari kompleksining joriy yilning birinchi yarmida axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari muhokamasiga bag'ishlangan majlisi bo'lib o'tdi. Uni O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri o'rinbosari A.Oripov boshqardi.

MUHIM SIYOSIY
VOQEA
ARAFASIDA

Farg'ona viloyati hokimligida tashkil etilgan hududiy seminarda mamlakat parlamentiga dekabrda bo'lib o'tajak saylovlarning konstitutsiyaviy asoslarini aholining keng qatlamiga yetkazish borasida Konstitutsiyaviy sud, sudlar, huquq-tartibot organlari va ommaviy axborot vositalarining vazifalariga oid masalalar muhokama etildi. Seminar O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudi, Markaziy saylov komissiyasi va Jurnalistlar ijodiy uyushmasi tomonidan tashkil etildi.

Жаҳон чемпионатида
шахмат бўйича зафарлар
кучаётган ўзбек ўғлони
Рустамжон Қосимжоновга!

Дунёдаги машҳур шахматчилар билан беллашиб, Сиз қўлга киритаётган ютуқлар барча ўзбекистонликлар қалбида миллий ғурур туйғусини мустақамлаб, юртимизнинг буюк келажагига, айниқса, ёшларга бўлган ишончини оширибгина қолмай, уларни янги зафарлар сари чорламоқда.

Президентимиз айтганларидек: "Ҳеч қайси соҳадаги муваффақиятлар, мамлакат-

ни спортдаги ютуқлар каби, дунёга тез танита олмайди". Жаҳон чемпионатида Сиз эришаётган ютуқлар Мустақил Ўзбекистонни жаҳонга танитишда тенгдошларингизни ўқиш ва спортда янги муваффақиятларга эришишлари учун намуна бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

Устозларингиз ва тенгдошларингиз Сизга бахт-саодат, спортда омад, ўз олдингизга қўйган барча орзу-истакларингизнинг рўёбга чиқишига тилақдошлар! Жаҳон чемпионатининг финал bosqichida ҳам, Сизга омад ҳамроҳ бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

Ma'rifat
МАСПАХАТХОНАСИ

Андижон вилояти Хонобод шаҳрида яшовчи Тиллахон ЗОКИРОВАдан САВОЛ:

Пенсия ёшидаги ўқитувчи мутахассис педагог етишмаслиги сабабли ишга қақриб олинса, унга иш ҳақи, меҳнат таътили ҳақи, пенсия ҳақи, меҳнатга лаёқатсизлик даври ҳақи қандай тартибда тўланади?

ЖАВОБ:

Иш ҳақи, меҳнат таътили ва меҳнатга лаёқатсизлик ҳақини тўлиқ оласиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги 1289-сонли "Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар тўғрисида"ги Фармонида асосан 1996 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишловчи пенсионерларга пенсиялар қуйидаги миқдорларда тўланиши белгиланган:

— II жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига (уларга тенглаштирилган шахсларга), I, II гуруҳ ногиронларига ва Чернобил ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади. Шунингдек, тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига II жаҳон уруши йилларида ҳарбий мажбуриятларни бажарган ёки мамлакат ичкарисида ишлаганлар;

— фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг нафақадаги раислари;

— ўрта ва кичик "тиббиёт ходимлари, ногирон болаларнинг интернат уйларида, "Меҳрибонлик уй"ларидаги тарбиячиларга ва пенсияга чиқиш олдиан мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил меҳнат стажига эга бўлган аёллар ҳам пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқига эгадирлар. Қолган ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50 фоизи тўланади.

Й.АХМЕДОВ,

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Марказий қўмитаси
бош мутахассиси



Б.РИЗО олган сурат-лавҳа.

Маълумки, Юртбошимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармонида мувофиқ жойларда умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айни ўқувчиларнинг дам олиш таътили даврида мактабларни капитал ва жорий таъмирлаш, қайта реконструкция қилиш ишлари авжига чиққан. Ана шундай иш жараёни билан танишиш мақсадида пойтахтимиздаги Собир Рахимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли 23-сонли мактабга йўл олдик.

Хонасида қоғозларга кўмилиб ўтирган мактаб директори Шаҳодат Абдурахмонова билан учрашиб, таъмирлаш ишлари қандай кечаётганлиги хусусида гапириб беришини сўрадик.

— Май ойининг бошларида илм масканимизда таъмирлаш ишлари бошланган эди, - дея гап бошлади суҳбат ибтидосида у. — 161 миллион сўмлик смета бўйича 42 миллион сўм ажратилди ва тубдан таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Мактабимизнинг собиқ ўқувчилари —Ташкент лак-бўёқ заводи директори Мирҳаёт Ҳакимов ҳамда шу завод тadbirkори Лутфул-

МАКТАБ
ТАЪМИРДАН
ЧИҚАРИЛМОҚДА

унда собиқ ўқувчилар — икки нафар
tadbirkorning муносиб ҳиссаси бор

ло Ҳафизовлар мактабни оталиққа олишди. Илоҳим умрларидан барака топишсин, ўзлари бош-қош бўлишиб, ишчилардан кунда, кунора хабар олишиб, зарур маҳсулотларни вақтида етказиб бериб туришибди.

Ҳа, куюнчак раҳбар бекорга фахрланмаяпти. Дастлаб у мактаб биноси жойлашган "Истиқлол" маҳалласи оқсоқоли Жоруллоҳ ота Ҳафизов билан ҳомийлар мадади зарурлиги борасида маслаҳатлашади. У кишининг тавсиясига биноан ўз ўқувчилари Мирҳаёт билан Лутфуллолар савоб ишга тайёр эканликларини билдирадilar. 29 ёшли бу ишбилармонларнинг қилаётган ишлари бизни жуда қойил қолдирди. Бугунги кунда бу tadbirkorлар 30 нафарга яқин мутахассис-ишчи-

ларни жалб қилиб, уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб, қизғин иш жараёнига раҳнамолик қилмоқдалар. Ҳозиргача, уч қаватли бинонинг барча фан кабинетлари, синф хоналари бўёқланиб, тайёр ҳолга келиб қолди. Эндиги навбат ошхонага. Охирида эса спорт залини таъмирлаш кўзда тутилган. Иш жараёни кўнгилдагидек кечмоқда. Ўқув хоналарининг барчаси замон талаблари даражасида, ҳавас қилса арзийдиган, чиройли ва кўркем ҳолга келтириш учун фақат сифатли маҳсулотлардан фойдаланилмоқда.

Давлат бюджетидан ажратилган маблағ асосан иситиш тармоғи, ромларни алмаштириш, бино томини таъмирлаш ва ёритиш тизими учун сарф қилинди. Аммо фақат бу билангина чекланиб бўлмайди-ку. Бу бо-

рада ҳомийлар ёрдами айна асқотгани аҳамиятлидир. Режадаги ишлар биринчи навбатда бажарилгандан сўнг, бино атрофида ободонлаштириш ишларини ҳам ҳомийлар бўйниларига олишган. Дарҳақиқат, пул топиш мумкин-у, аммо, уни қандай сарфлай билишда ҳам ҳикмат кўп. Улар билан учрашишни сўраганимизда, Лутфулло Араб давлатларидан бирига, Мирҳаёт эса Фарғонага кетганлигини айтди.

Шаҳодат опа билан гаплашар эканман, шу нарсага амин бўлдимки, у ҳар икки гапининг бирида саховатли собиқ ўқувчиларини алқаш, мақташ ва дуо қилишни қанда қилмади. Шу куни мактабда таъмирлаш ишлари билан машғул бўлаётган ишчиларнинг кайфиятидан уларнинг ҳам масъулият билан меҳнат қилаётганлиги сезилди. Янги ўқув йилига ўқувчиларга катта совға тайёрлаш мақсадида улар ўз ишларига меҳр билан ёндошмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, яқин кунларда синф хоналарининг замонавий асбоб-ускуналар, парталар билан жиҳозланиши мўлжалланмоқда.

Таъмирлаш ишлари поёнига етаётган мазкур мактабдан катта таассуротлар билан қайтдик.

Камилла АҲЛИДИНОВА

УЧРАШУВ

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультетида "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси Иброҳим Ғофуров, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети халқаро ҳуқуқ факультети декани Лола Саидова ва бошқалар иштирок этишди. Учрашувда ўқитувчилар ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Дилноза НАМОЗОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

— **Хадемай ўн учинчи бор мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириш ниятида юрган ёшларни саралаш тест синовлари орқали амалга оширилади. Ўтган давр мобайнида ушбу жараён бирмунча тақомиллашиб, йилдан-йилга унга янгиликлар жорий этиб борилаёпти. Шундан келиб чиққан ҳолда бу йилги янгиликлар, ўзгаришлар хусусида тўхталсангиз?**

— Таълим соҳасидачи мустақиллик йилларида дастлабки ислохотлардан бири, халқимиз томонидан катта бир воқеа сифатида қабул қилинган янгилик — 1992 йилда мамлакатимиз олий ўқув юртларига талабаларни танлаш тест синовлари орқали амалга оширилиши бўлди, десак муболаға бўлмас. Ўша йили 19 та олий ўқув юртининг айрим йўналишларида тажриба-синов тариқасида бу жараён ташкил этилганди. 1993 йилга келиб эса барча олий ўқув юртларига мазкур амалиёт жорий этилди.

Ўтган йиллар давомида тест синовларини ўтказиш, унинг ташкилий ва мазмуний жиҳатлари бирмунча тақомиллашиб, улар ҳолисликни таъминлаш, абитуриентларга қулай шарт-шароит яратиш каби жиҳатларга қаратилгандир.

2004-2005 ўқув йилида олий таълим муассасаларида 12 та янги йўналиш очилди. Жумладан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин-

ститутда туризм операторлик хизматини ташкил этиш, туризм менежменти, туризм маркетинги ва бошқа олий ўқув юртларида қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт ва хорижий тилларни ўрганиш борасида янги йўналишлар ўз фаолиятини бошлади. Ҳозирда республикамизда 140 дан кўпроқ мутахассислик бўйича олий таълим олиш имконияти туғилди. Магистратурани оладиган бўлсак, унда 700 дан

фоизини ташкил этиб, тест синовлари ўтказиладиган фанлар мажмуасида иккинчи фан блоки баллари ҳажмига тўғри келади. Ўтган йилда эса асосан бу тур имтиҳонлар 111,6 балгача баҳоланар эди.

— **Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 июндаги “2004-2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарорига асосан**

қабул сонлари ўтган йилги билан тенг ҳолда белгиланган. Бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51175, шундан давлат грантига 19975, тўлов контрактга 31200 нафар. Махсус сиртки бўлимларга умумий қабул сони 5000 белгилангани ҳолда, уларнинг 1200 нафари давлат гранти асосида, 3800 нафари эса тўлов контракт асосида таълим олишади.

Dolzarb intervyu

тўпланадиган маълумотларга асосланган ҳолда таълимнинг барча турларидаги вазиятга ҳолис баҳо бериш воситасига ҳам айлаиб бормоқда. Шу маънода таҳлил қўлами ва мазмуни ҳақида ҳам қисқача гапириб берсангиз.

— Тест синовдангина иборат жараён эмас. Унда тўпланган катта ҳажмдаги маълумотлар вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳаттоки, мактаблар кесимида барча ўқув фанлари бўйича таҳлил-га тортилади. Бу эса жойларда умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълимнинг ташкил этилиши тўғрисидаги манзарани тасаввур этишга имкон беради. Таҳлиллар ўз ўрнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, умуман олганда таълим сифати самарадорлигини ошириш борасидаги қимматли тавсияларни ишлаб чиқишга тўлақонли асос бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Давлат тест маркази жамоаси номидан барча билимталаб ёшларимизга эзгу ниятларига етишишларида омад, уларга ҳамиша ўзларига бўлган ишонч, мустаҳкам билим куч-қанот бағишлашини тилаб қоламиз.

Абдусамат РАХИМОВ
суҳбатлашди.

ТЕСТ — СИНОВДАНГИНА ИБОРАТ ЖАРАЁН ЭМАС

дейди Давлат тест маркази директори Баҳром Исмоилов “Маърифат” газетаси мухбири билан бўлган суҳбатда

ортиқ йўналишда таълим олиш ва малака ошириш мумкин. Албатта булар бугунги замонавий талаблар ҳамда мамлакатимизнинг ўз тараққиёт йўлидан барқарор давом этиши жараёнида пайдо бўлаётган эҳтиёжлардан келиб чиқади.

Бу йилги янгиликлардан яна бири - касбий (ижодий) имтиҳонларни баҳолаш барча таълим йўналишларида ижодий имтиҳонларнинг энг юқори бали 75,6 ни ташкил этади. Бу максимал тўпланиши керак бўлган балнинг 33,3

ташкил этилган абитуриентлар қабулида бу йилги ўзига хос янгилик нима-лардан иборат. Махсус сиртки таълимдан ташқари олий таълимнинг ушбу бўлимига қабулнинг барча олий ўқув юртларида бекор қилинишидан кўзланган мақсад нима ҳамда бу янгиликнинг олий ўқув юртлари қабул квоталарига таъсири бўладими?

— Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига асосан бакалаврлар, магистрлар, махсус сиртки бўлим бўйича

2004-2005 ўқув йилидан бошлаб махсус сиртки бўлимлардан ташқари барча олий ўқув юртларининг сиртки бўлимларига қабулни тўхтатиш белгиланган. Бунга сабаб сифатида ушбу бўлимларда ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва тайёрланаётган кадрларнинг сифати замон талабларига жавоб бермаётганлигини келтириш мумкин.

— **Маълумки тест синовлари жараёни нафақат абитуриентларни саралаш, балки ушбу жараёнда**

ЮЗ МИЛЛИОН СЎМЛИК ЁРДАМ

Яқинда Андижон вилояти «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси Пахтаободадаги 31-сонли мактаб-интернатда юз миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш ташаббуси билан чиқди. Вилоят ҳокимлиги бу хайрли саъй-ҳаракатни қўллаб-қувватлади.

Биз шу ташаббус изидан бордик. Ҳақиқатан ҳам ҳозирда мактаб-интернатда кенг қўламдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда. Бунёдкорлик ишларига

мирлаш ишлари қизгин бажарилаяпти. Аҳил ва чаққон жамоанинг ишини кўриб, кайфиятимиз кўтарилди.

Вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий бирлашмаси раиси Аҳмадҷон Фозиловни ҳам шу ерда учратдик.

— Нафақат ётоқхона, унга қўшни 160 ўринли ошхона, мазкур биноларнинг том қисми, иссиқлик ва канализация тармоқларини тўла янгилаймиз. Ҳатто келгусида атрофни янгидан чи-

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида БМТнинг Ривожланиш дастури доирасида ташкил этилган Мактаблараро ресурслар Маркази фаолият юритиб келмоқда. Марказ мактаб ўқитувчиларини замонавий ахборот ва компьютер технологиялари билан таништириш, дарс ўтилиши жараёнида ўқитувчининг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўлишини, уларнинг хорижий ҳамкасблари билан интернет орқали тажриба алмашишларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ресурслар маркази 2003 йил 30 майда ўз ишини бошлаган бўлиб, шу кунга қадар World Window ва «Интернет болаларга» да-

Jarayon

назоратлар ва имтиҳонларни муваффақиятли топширган кадрга марказ томонидан сертификат тақдим этилади. Ушбу сертификат хорижий мамлакатлар билан узвий алоқани сақлаган ҳолда ўқитувчига хорижда малака ошириш имконини беради.

Марказда таҳсил олаётган ўқитувчиларнинг ўз электрон почталари билан бирга медиатекалари ҳам мавжуд. Уларда ўқитувчиларнинг ўз соҳаларига доир китоблари,

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТУВЧИ

унинг давр билан
ҳамоҳанглиги қандай таъминланади?

Андижондаги «Қурилишсавдотаъминот» масъулияти чекланган жамиятга қарашли Тоҳиржон Қаюмов бошлиқ қурувчилар жалб этилган.

Мактаб-интернат директори Қодиржон Исоқов қувонч билан шундай деди:

— Ташаббускор ҳомийларимизга, ишлаётган қурувчиларга минг раҳмат! Негаки, бу масканнинг фойдаланишга топширилганига салкам эллик йил бўляпти. Шундан бери бирон мартаба ҳам капитал таъмирланмаган эди. Айниқса, кузги, қишки мавсумда жуда қийналамиз. Мана, энди янги ўқув йилидан муаммолар чекинадиган бўлди.

Суҳбатдошимиз бизни қурувчилар ишлаётган томонга бошлади. Ҳақиқатан ҳам улар зўр ғайрат кўрсатишмоқда. Уч қаватли, 260 ўринли ётоқхона биносига таъ-

ройли қилиб ўраш, янги дарвоза қуриш, ҳовлини асфальтлаш, гулхоналар бунёд қилиб бериш ниятимиз бор.

Бу ишларнинг барчаси шу йил 20 августгача тўла ниҳоясига етказилиши кўзда тутилган.

Тўғриси, бу гапларни эшитиб турган мактаб-интернат директорининг кўзларида қувонч порлади. Ахир, у узоқ йиллардан бери шу масканда меҳнат қилади. Лекин муаммоларни бартараф этолмаётган экан. Ташаббуснинг аҳамияти яна шундан иборатки, бу билан вилоят ҳокимлигининг Меҳр ва мурувват йили муносабати билан 2004-2006 йилларга мўлжалланган дастурининг 31-сон мактаб-интернатига тааллуқли бўлган муҳим банди тўлақонли бажарилиши таъминланади.

О.СИДДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

стур лойиҳалари асосида мингдан ортиқ ўқитувчиларнинг янги педагогик технологиялар билан яқиндан танишишларига имкон яратди.

— Бу ерда, асосан ўз тажрибаларини ошириш истагидаги ўқитувчилар таҳсил олишади, — дейди маркази координатори Рашид Гатауллин. — Эътиборлиси, ушбу марказда нафақат ўзбекистонлик, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан келган ўқитувчиларнинг ҳам ўз тажрибаларини ошириш учун барча шароитлар мавжуд.

Марказда йўлга қўйилган «Компьютер ва ахборот технологиялари таълими» ўқув курсида ўтган бир йил мобайнида фақатгина Сирғали туманидаги 25 та мактабдан 317 нафар ўқитувчи таҳсил олган. Бундан ташқари, марказ ташкил қилинганидан буён унинг ташаббуси билан 55 мартаба семинар-тренинг машғулоти ўтказилган бўлиб, унда пойтахтимиздан 600 га яқин, бошқа вилоятлардан эса йигирма нафардан ортиқ педагоглар қатнашдилар.

Машғулотлар, машғулотга доир оралик

аудио ва видео кассеталар CD, DVD ва бошқа интернет ресурслари жамланади. Бу кейинчалик ўқитувчиларнинг дарс ўтишларида асқотади. Зеро, кундалик янгиликлар, педагогик технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиб туриш замонавий педагог учун муҳимдир.

Ҳозирда БМТнинг Ривожланиш дастури «School Goes Digital» лойиҳа дастури доирасида марказ янги «Медиапедагогика» ўқув курсини ташкил қилган бўлиб, ўқитувчиларнинг ўз дарсларини ташкил этишида энг сўнгги компьютерлаштирилган педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилишга йўналтирилган. Ушбу ўқув курслари ҳафтанинг етти кунда муайян соатларда ўтилиши эътиборга олинган. Ҳозирда марказнинг мазкур йўналиш бўйича олиб борилаётган дарсларида пойтахтимиз ҳамда вилоятлардан келган ўттиз нафарга яқин ўқитувчилар ва бўлажак ўқитувчилар таҳсил олишмоқда.

Шаҳобиддин МУСАЕВ

ИБРОХИМ МЎМИНОВ
ФАЛСАФИЙ
ЎҚИШЛАРИ

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида атоқли ўзбек файласуфи, йирик фан ташкилотчиси, давлат ва жамоат арбоби, халқимиз маънавияти ва маърифати фидойиси Иброҳим Мўминов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган республика илмий-назарий семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти Тошкент, Самарқанд, Навоий ва Бухоро олий ўқув юр்தларининг профессор-ўқитувчилари, докторант ва аспирантлари, илмий тадқиқотчилари иштирок этган ушбу анжуманни мазкур институт ректори, профессор М.Ҳожиёв кириш сўзи билан очиб, олимнинг мамлакатимиз фани ва маданияти тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини кайд этди.

«Иброҳим Мўминов фалсафий ўқишлари» мақомини олган семинар аввалида, буюк олим ҳаётига бағишланган янги видеофильмнинг тақдими бўлди. Илмий-назарий семинарнинг ялпи йиғилишида сўзга чиққан олимлар академик Иброҳим Мўминовнинг бой илмий меросига бағишланган маърузалар қилишди.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари беш шўъбага бўлиниб, «Маънавият ва халқ камолотига бағишланган умр», «Фалсафа ва ижтимоий фикр тарихининг долзарб масалалари», «Бағрикенглик — тараққиёт ва барқарорлик кафолати», «Ижтимоий фалсафа муаммолари», «Мустақиллик даврида тафаккур» мавзулари бўйича 100 дан зиёд маъруза ва илмий ахборотларни тингладилар. Илмий-назарий семинарнинг якуловчи мажлисида Ўзбекистон фалсафаси бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари, аҳоли бу фан ўқитилишини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Якуловчи мажлисида институтнинг иқтидорли талабалари томонидан тайёрланган илмий-бадий дастур намойиш этилди. Иштирокчиларга икки жилддан иборат «Иброҳим Мўминов фалсафий ўқишлари» тўплами тарқатилди. Ўқувни ҳар йили аллома тутилган кунда анъанавий ўтказишга келишиб олинди.

Анжуманга пойтахт ва бошқа вилоятлардан келган олимлар ислом дини ва фалсафаси маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган бухоролик улуг алломалар қадамжоларини зиёрат қилдилар. Улар Шофиркон туманидаги Иброҳим Мўминов номидаги мактабда бўлиб, олим музейи билан яқиндан танишдилар ва музейга Ўзбекистон файласуфлари томонидан мустақиллик йилларида чоп этилган китоблар, рисолалар, ўқув қўлланмалари, дарсликларни ҳадя этдилар. Меҳмонлар Иброҳим Мўминов номидаги мактаб жамоаси, туман маънавият тарғиботчилари билан учрашув ўтказдилар. Унда иккинчи чақирқўз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси Президентимиз И.Каримовнинг «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ» мавзусидаги нутқи ва ундан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталдилар.

Ортиқ ВАФОЕВ,
Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Бухоро вилояти раҳбари ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ҳар йили 20 июндан олий ўқув юр்தларига кириш истагида юрган абитуриентлар учун ҳаяжонли дамлар бошланади. Чунки барча олий таълим муассасаларида қабул комиссияларининг бошланмаж фаолияти шу кунга тўғри келади. Мамлакатимиздаги институт ва университетлар ушбу жараёнга пухта ҳозирлик кўрдилар. Биз бунга Наманган вилояти олий таълим даргоҳлари, яъни Наманган давлат университети, муҳандислик-педагогика ва муҳандислик-иқтисодиёт институтларидаги тайёргарлик ишлари билан танишганимизда, яна бир бор амин бўлдик.

ажратилгани, уларга илмий ва факультетлар кутубхоналаридан фойдаланиш ҳуқуқи берилгани, ота-оналар учун дам олиш хонаси ҳамда вақтинчалик турар жой ажратилгани талабаларга даъвогарлар сонининг янада ортишига туртки бўлмоқда.

2003 йилда 4717 нафар абитуриент ҳужжат топширган Наманган муҳандислик-педагогика институти муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ушбу даргоҳда ўтган йили қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриати-

куни»ни ва тезлаштирилган тайёрлов курсларини ҳам ташкил қилди. Кўча амбулатория, 150 ўринли ошхона, 544 ўринли ётоқхона ҳам абитуриентлар хизматида эканлиги мақсадга мувофиқ.

Тўқимачилик ва енгил саноат тизими учун кадрлар тайёрлаш бўйича Фарғона водийсида ягона саналган Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида механика-технология, иқтисодиёт ва молия факультетлари мавжуд

Abiturient—2004

ҲАРБИЙДАН
ҚАЙТГАН ЁШЛАРГА
ИМТИЁЗЛАР

Шу кунларда Республика-мизнинг қатор умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларининг битирувчилари таълим олишни давом эттириш мақсадида олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, билимларини тест синовларида синаб кўрадилар. Улар билан бир қаторда ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшлар ҳам ўз билимларини синовдан ўтказадилар.

2003 йилдан бошлаб ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ва ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар учун тест синовларида тўплаган балларига максимал балдан 20 фоиз қўшимча балл қўшиб бериш назарда тутилган.

Шу йил май ойида эса Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурлидаги Давлат тест марказининг ҳукумат қарорларини бажариш тўғрисидаги қўшма буйруғи эълон қилинди. Буйруққа кўра, республикамиздаги барча олий таълим муассасаларида 2004 йил апрель, май ойларида ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшлар учун бепул 7 июндан 28 июлгача махсус тайёрлов курсларини ташкил этиш зарурлиги кўрсатилган.

Бу борада Тошкент давлат техника университетига ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Акмал Икромов, Шайхонтоҳур туман мудофаа бўлими билан ҳамкорликда ҳарбий, муқобил хизматни ўтаб қайтган ёшларга ушбу буйруқнинг моҳиятини етказиш ва олий таълим муассасаларида ўқиш истагини бидирган ёшлар ҳақида маълумотлар тўплаш ишлари олиб борилмоқда.

Барно ШОРАҲИМОВА

УЮШҚОҚЛИК
БИЛАН ЎТМОҚДА

Биринчи галда энг тўнғич ва йирик даргоҳ — Наманган давлат университетида бўлди. Университетда 12 та факультет, 2 та бўлим ҳамда 26 та таълим йўналишлари мавжуд. Шундан 13 та таълим йўналишлари бўйича магистрлар тайёрланмоқда. Қабул комиссиясига дастлаб барча факультет ва бўлимлардан жами 74 нафар ходимлар жалб қилиниб, улар лотин ёзувини ўрганиш бўйича ҳамда техник жараёнлар билан боғлиқ маълумотларга бағишланган 16 соатлик машғулотларда ўқитилди. Абитуриентларга янада кенгроқ маълумот бериш мақсадида видеоконсултациялар ҳам тайёрланди. 18 июнда ўтказилган «Очиқ эшиклар кунини» тадбири эса бу борадаги илк қадам бўлди. Боиси, унда иштирок этган ҳар бир абитуриент ҳамда уларнинг ота-оналари ўзларига керакли барча маълумотларга эга бўлдилар. Бундан ташқари хоҳловчи абитуриентлар учун тайёрлов курслари ҳам ташкил қилинди.

— Ҳукумат қарорига мувофиқ бу йил ҳарбий хизматни тамомлаган ва талаба бўлиш орзусида юрган йигитлар учун республикамиз олий ўқув юр்தларида бепул тайёрлов курслари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим, — дейди қабул комиссияси масъул котиби, доцент Рўзимат Жўраев.

Университет талабалар уйдан абитуриентлар учун 700 та ўрин

га талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ 8 та, яъни агромуҳандислик, информатика, иқтисодиёт, машинасозлик, технология, транспорт, энергетика, қурилиш факультетлари ва 19 та таълим йўналишлари бўйича талабалар қабул қилиш мўлжалланмоқда. 28 нафар техник ходим билан иш бошлаган институт қабул комиссияси 6 та «Pentium—IV» компьютерлари билан таъминланди. Компьютерда маълумотлар базаси билан ишлайдиган ходим давлат тест маркази томонидан ташкил этилган «Абитуриент — талаба» дастурини ўрганиш ва қабул жараёнида ишлаш бўйича ўқув машғулотида иштирок этди. Абитуриентларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил ҳарбий хизматни тамомлаган абитуриентлар 36 соатлик тайёрлов курсларида тегишли фанлар бўйича машғулотлар билан бирга Президентимизнинг Олий Мажлис 14-сессиясидаги маърузаларини ҳам ўргандилар. Ҳарбий хизматни ўтаган ва тегишли тавсияномага эга бўлган абитуриентларнинг ўзи тўплаган балига энг юқори баллнинг 20 фоизи қўшиб берилади. Қабул комиссияси бошқа абитуриентлар учун туман халқ таълими бўлими ҳамда вилоятдаги йирик саноат корхоналари билан келишган ҳолда «Очиқ эшиклар

бўлиб, 14 та таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур даргоҳда қабул жараёнларига тайёргарлик январь ойидан бошланди. Дастлаб 2002—2003 йилдаги қабул натижалари таҳлили акс эттирилган қўлланма яратилди. Бу эса кўп нарсага ойдинлик киритди. Унда таъкидланишича, ўтган йили 2431 нафар абитуриент институт талабаси бўлиш истагини билдирган ва 554 нафари бу бахтга муяссар бўлган. Қўлланмада ҳар бир туманлар бўйича абитуриентларнинг ҳужжат топшириши ҳамда уларнинг давлат грантлари асосида кириш даражаси ҳам таҳлил қилинган. Давлат грантлари асосида талабаларнинг қабул қилиниши бўйича Уйчи, Наманган шаҳри ва Косонсой туманлари юқори кўрсаткичга эга. Янгиқўрғон, Мингбулоқ, Чуст туманлари эса аксинча. Шу нуқта назардан юқоридаги таҳлил туман халқ таълими бўлими фаолиятига ҳам баҳо бериш имконини яратади. Институтда қўшни муассасалардан фарқли равишда ҳар бир таълим йўналиши бўйича маълумотлар варақаси тайёрланиб, водийнинг барча туманлари ва саноат корхоналарига тарқатилди. Бир сўз билан айтганда, бу йил вилоятда талабаларга қабул кўнгилидагидек ўтишига ишонса бўлади. Чунки қўрилган пухта ҳозирлик бундан дарак бериб турибди.

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

Туғ'у

Ҳар бир инсон мустақил ҳаётга қадам кўяр экан, ўз олдига буюк бир мақсадларни кўяди. Келажакда уни амалга ошириш учун ўзининг бутун кучини сарфлайди. Мен ҳам ўз олдимга журналист бўлишни мақсад қилиб қўйганман.

Менинг шу соҳани танлашимга отамнинг ушалмай қолган орзуси сабаб бўлган. «Миллатга ўз

ОТАМНИНГ ОРЗУСИ —
МЕНИНГ ОРЗУМ

қалами билан улкан фойда келтирадиган соҳа — журналистикадир», дейди у. Демократияни шакллантириш ва кучайтиришда халқимизга кўмакдош бўлиш буюк мақсадимдир. Жамиятимиздаги муаммоларни аниқ, холис ёритишга ҳаракат қиламан.

Ватаннинг муносиб фарзанди бўлиш мен каби ҳар бир ўғил-қизнинг асосий мақсади.

Қобил ХИДИРОВ,
С.Сирожиiddинов номидаги академик лицей битирувчиси

МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ
ЧИҚАРИБ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Қибрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳининг фаолият кўрсата бошлаганига етмиш йилдан ошди. Ўтган вақт мобайнида ушбу масканда ўн минглаб фарзандлар мириқиб ҳордиқ чиқарган.

— Бу йилги мавсумда 1700 нафар болалар ёзни марокли ўтказишади, — дейди оромгоҳ раҳбари Боситхон Зиёвуддинов. — «Тошкент» минтақавий темир йўл тармоғи ҳудудий касба уюшмасига қарашли мазкур оромгоҳда кўнгилли дам олиш учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу ерда кўғирчоқ театри, кутубхона, тиббий хизмат фаолият юритмоқда. Шунингдек, концерт дастурлари, бадий кечалар, қизиқарли ўйинлар ва спорт мусобақаларининг тез-тез уюштирилиши мазмунли дам олиш имконини беради.


Суратларда: «Қибрай» болалар соғломлаштириш оромгоҳидан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА)
олган суратлар.

Бугунги меҳмонимиз — таниқли шоир, ёш муштарийларимизни "Болалар дунёси" саҳифаси орқали дунё болалар адабиётининг етук намойндалари ижоди билан таништириб келаятган газетамизнинг доимий ҳамкори Миразиз Абзам.

Миразиз Абзам 1936 йилда Тошкентда туғилган. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент давлат университетининг (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг филология факультетининг журналистика бўлимида таҳсил олган.

Адабий фаолияти 1960 йилдан бошланган. Болалар учун "Металлург" (1964), "Ақлли болалар" (1969), "Сенга нима бўлди", "Фалати туш" (1972), "Ер айланади" (1973), "Ерга доврақ соламиз" (1976), "Бир чўнтак ёнғоқ" (1980), "Қирқ болага қирқ савол" (2000, иккинчи нашри - 2001), "Энг ёруғ юлдузлар" (2002) ва катталар учун "Севаман" (1977), "Туйгулар" (1980), "Сабот" (1983), "Ҳақиқатнинг кўзлари" (1983) номли китоблари нашр этилган.



гани учун, бутун синф олдида қаттиқ силталаб уришган ва ҳақорат қилган экан. Бу опамга шундай таъсир қилдики, "ўқимайман", "мактаб юзини кўрмайман" деб қасам ичди ва бошқа мактабга боргани йўқ.

Мен ўзим 4-синфда ўқиётганимда, сентябрь ойлари, мактабга ҳовлимизда пишган олмадан беш-олтитасини олиб бориб, танаффус чоғида сотгандим. Бир синфдошим ўқитувчига:

— Опа, Миразиз танаффусда болаларга олма сотди, — деб қолди.

Ўқитувчи мени стол ёнига чақирди.

— Ростдан сотдингми? — деди у.

— Ҳа, — дедим. У кулоқ чаккамга бир тарсаки тортиб юборди.

Мен мактабнинг энг аълочи ўқувчиси эдим, коридорда менинг сувратим осиглиқ турарди, ҳар йили мактабдан турли совғалар билан мукофотланардим. Мактабимизга янги келган муаллимнинг дабдурустдан мени бундай ҳақоратлаши мени

ва тариқатнинг сирларини сақлай оладиган, жасур инсон бўлмоғи керак эди.

Бизнинг замонамизда ҳам устоз ўша шартларга жавоб бера олса ёмон бўлмасди, албатта. Аммо шогирд, менинг назаримда, жуда устознинг хизматини отилиб қилиши шарт эмасдай кўринади, "бошқа бирон кимсани ундан устун қўймайдиган" бўлиши ҳам шогирдни бирмунча чеклаб қўядигандай кўринади. Бу — унинг виждонига, эгаллаган билими ва дунёқарашининг қай даражага юксалганлигига ҳам боғлиқ. Бу борада иккала томонда ҳам тўла эркинлик бўлиши керак. Умуман олганда, устоз ва шогирдлар орасидаги муносабатлар, ҳар қандай инсонлар орасидаги муносабатлар каби бирон қилип асосида юз бермайди. Улар орасида маълум бир масофа ҳам бўлиши мумкин, улар апоқ-чапоқ бўлиб кетишлари ҳам мумкин. Ҳаёт шундай нарсаки, баъзан шогирдининг билан исталган даражада яқин бўлолмайсиз ва ё аксинча, масофа сақла-



ланади. Менинг назаримда ҳозирги аҳволни баҳорги ёмғир ёққан пайтга ўхшатиш мумкин. Одатда, бундай ёмғирдан сўнг кўзиқоринлар ялписига бош кўтарди. Мустақиллик арафасида ижодкорлар ўртасида эсанкираш ва умидсизлик ҳамда моддий қашшоқланиш юз берган эди. Энди кўпгина мустақил нашриётлар кўзга ташлана бошлади. "Шарқ" концернининг фаолияти ҳам ижодкорлар орасида умид уйғотмоқда. Янги алифбога ўтган болаларимизнинг китобга эҳтиёжи жуда катта бўлишига қарамай, бунга эътибор ноль даражага тушиб қолган эди. Энди бу соҳада ҳам силжиш бошланди. "Шарқ" концерни бу масалага ҳам жиддий эътибор бериб, ўз режаларини тубдан ўзгартирди, деб айтиш мумкин. Авваламбор, классик ҳаётини адабиёти ва ўз адабиётимизнинг барча намуна асарларини янги алифбога ўтказиш иши кенгайди. Ҳамма болалар адабиёти вакиллари билан асарларини тезлик билан нашр этиш сари қадам ташланмоқда. Потенциал кучларимиз тез орада юзага чиқишига ишонамиз.

— Сўнгги саволим ёшлар тарбияси ҳақида эди. Нима деб ўйлайсиз, бугун ёшлар тарбиясида нималарни ютдик ва нималарни бой бердик? Ёш авлодни тарбиялашда нимага кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Ёшларни тарбиялашда ютган тарғимимиз миллий қадриятлар билан уларни таништириш ишига бефарқ бўлмадик. Мактабларимизга, ўқув дастурларига ўз миллий тарихимиз, миллий адабиётимиз, жумладан, жадид адабиёти намуналарини тезлик билан киритдик. Бу — уларга ўзини таниш руҳини беражаги шакл-шубҳасиздир. Тарихий обидаларимизни тиклаш ва уларни ТВ орқали кенг тарғиб этишларимиз ҳам яхши бўлди. Уларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини орттирганимиз ҳам яхши натижа беради, деб умид қиламиз. Фақат маънавий тарбия, китоб таъминоти, буларни ҳам дастурга киритиш ва дастурдан ташқари ҳам шуғулланиш етарли деб бўлмайди. Бу эса, болаларимизнинг маданий даражаси пастроқ бўлиб қолишига ва баъзан зарарли йўللарга кириб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда. Болаларнинг оммавий равишда ўзини бозорга уриши ҳам яхши натижа бермаслиги мумкин. Модомики, уларнинг бозорга чиқиб кетишига йўл қўяётган эканмиз, уларга савдо маданияти, муомала маданияти ва тўғрилиқдан ҳам мактабларда ва мактабдан ташқарида таълим бера боришимиз зарур деб ўйлайман.

— "Ma'rifat" муштарийларига тилакларингиз?

— Ҳаммаларига тарбия соҳасида бефарқ бўлмаслик, болаларимизни журъатли, тўғри, ҳақ йўлдан қайтмайди қилиб тарбиялашда сабот ва сихат-саломатлик тилайман.

**Сўхбатдош:
Икром ИСКАНДАР**

— Миразиз ака, одам болалигини эслаганда беихтиёр мактаб даври хотирага келади. Болалик даврингиз, мактаббингизни, ўқитувчиларингизни эслаб турасизми? Ўқитувчиларингиз қандай хислатлари билан ёдингизда қолган.

— Болаликни, ўқитувчиларни эсламай бўларканми? Бу, ахир, ҳаётимизнинг энг унутилмас қисмларидир... Бизнинг болалик Иккинчи Жаҳон уруши даврига тўғри келди. Отам урушга кетди ва 1942 йилда ҳалок бўлди, биз уч бола отасиз қолдик. Бир шеъримда айтганман:

Отам кетганида уч бола эдик,

Онам 24 ёшида қолди. Шубҳасиз, Қаровсиз қолган қизини Бобом ўз ёнига олди. Ҳовлини 20 минг сотган йилимиз

Ўлкада айрибош бўлди пулимиз.

Икки минг сўмни ҳам қарз олиб бир мажруҳ

Қайтиб беролмасдан вафот этди у.

Шундай қилиб отамдан Мерос бизга фақат

Қорахат.

Бизда болалик бўлмаган.

Мен 7 ёшимдаёқ ўзимни катта кишидек ҳис қилар эдим. Иложи борича, онамга иш орттирмасликка ҳаракат қилардим. Отамдан қорахат келгани учун уйимизда аза очилган, ўша

1943 йилнинг 2 сентябрида ҳам маҳалламизда жойлашган 1-ўрта мактаб атрофида ўралашиб юрардим. Болалар боғчасида мен билан бир гуруҳда тарбияланган Тўлқин исмли оғайнимни кўриб қолдим.

— Ҳов Миразиз, нимага мактабга кирмай юрибсан?

— Билмадим, бизникида аза... — дедим.

— Юр, мен билан, — деб ўзи ўқий бошлаган синфга бошлади.

Синф ўқитувчиси қора-

чадан келган ёшгина бир

Опа, мен мактабга боғча оғайнимни опкелдим, оласиз-а? — деди Тўлқин. Ўқитувчи менга қаради. Елкамга кўлини қўйиб:

— Отинг нима? — деб сўради. Айтдим.

— Фамилиянг-чи? — деб сўради кейин. Онам доим ўз фамилиясини "Аъзамова" дер эди, меники ҳам шундай бўлса керак, деб ўйладим ва:

— Аъзамова, — деб жавоб бердим. Муаллима кўлимсиради:

— Аъзамовдир?

— Йўқ, Аъзамова...

— Хўп, отангнинг оти нима?

— Мирғани, — дедим.

— Бўлмаса, сенинг фамилиянг Мирғаниев бўлади, тушундингми? — деди у ва

Миразиз Абзам:

БИЗДА БОЛАЛИК БЎЛМАГАН

синф журналига менинг фамилиямни "Мирғаниев" деб ёзди-да, "Бор, ўртоғингни олдига бориб ўтира қол" деди. Ўтирдим. Шу-шу фамилиям, то паспорт олгунимча мактабда Мирғаниев бўлиб кетди.

Ўқитувчим жуда жиддий "опа" эди, ҳеч кулганини ё бировни қаттиқ уришганини ҳам эсламайман. Фақат иккинчи синфда бизни у ўқитмади, биров

"бошқа мактабга кетган", деса, биров "у вафот этди" дер эди. Менинг кўз олдимда унинг доим чимирғилиқ ингичкароқ қошлари ва қопқора маъюс кўзлари сувратланиб қолган. Янглишмасам, опамизнинг исми Муаззам эди.

Иккинчи синфда бизни Қутби опа деган муаллима ўқитди. Бу "опамиз" бир оз дуркун, аммо қувнок, бағри кенг эди. Синфимизда бу опани яхши кўрмаган бола йўқ эди. Самимий, кулар юзли, ҳар биримизни эркалатиб, яхши кўриб гапирарди. Ҳаммамиз Қутби опани шу қадар севар эдикки, кейинчалик мактабга Тоҳир ака деган ҳарбий кийимли физкультура ўқитувчиси келиб, унга уйланганда, ҳаммамизга роса алам қилган эди.

Ушандан буён бошланғич синф ўқитувчисининг энг асосий хусусияти болага муҳаббат бўлиши кераклигини англаганман.

Ўқитувчининг, ҳар қанча билимдон бўлмасин, шафқатсизлиги ва қаттиқлиги кечирилмас хусусият ва балки, катта гуноҳлигини бизнинг оиламиз мисолида кўрганман.

Менинг туғишган Наима опам зехни ўткир ва таъсирчан эди. Олтинчи синфда ўқиётганда бир касалликка учраб, озроқ дарслардан қолиб кетди. Тузалиб мактабга чиққанда Абдурахим ака исмли математика ўқитувчиси опанимни бир дарсни яхшироқ ўзлаштирилма-

тахқирлади. Индамай жилдимни олдим-у, синфдан чиқиб кетдим. Эртасидан мактабга бормадим.

Онам: — Нима бўлди? — деб суриштирар, мен: — Ҳеч нарса, — дердим.

Хуллас, ўқишимни 1-мактабдан 28-мактабга кўчиришга тўғри келди.

Кейин ҳаёт мени жуда кўп яхши ўқитувчилар, ажойиб инсонлар билан учраштирди.

28-мактабнинг илмий бўлим мудири Саидқарим ака, Фариза опа, тил ва адабиёт ўқитувчиси Қамариддинов Нуриддин ака, инглиз тили ўқитувчимиз Осиё опа, физика ўқитувчимиз Зокир ака, математика ўқитувчимиз Азиз ака, химия ўқитувчимиз Зухра опалар... буларнинг ҳар бири ҳақида қанчадан-қанча китоблар, ёзиш мумкин. Булар менинг ҳақиқий устозларим, умримнинг асосларини пишиқ қилиб қурган устозларимдир.

— Шу ўринда устоз-шогирдлик муносабатлари хусусида фикрингизни билмоқчи эдим. Нима деб ўйлайсиз: устоз ва шогирдлик икки кутбдаги тушунчани ё бунинг аксими? Уларнинг муносабатларида маълум бир масофа бўлгани маъқулли ё улфатлардай бир-бирига яқинлашиб кетаверса ҳам бўлаверадими?

— Яссавий замонларида ва бошқа сўфийлик танзимотларида муршидлик ва муридлик шартлари бўларди. Муршид(шартли равишда уни устоз дейлик) ҳақиқатга тўлиқ риоя қиладиган, соф кўнгли, ички ёруғликка эга, ўзига қаноатли, нафис фикрловчи бир шахс бўлиши лозим эди. Мурид (шартли равишда уни шогирд дейлик) эса устозига садоқатли, бирон кимсани ундан устун қўймайдиган, ўзи эса заки ва идроки банд, шайхнинг хизматини отилиб адо этадиган, ишонч қозонган, муршиднинг

моқчи бўлсангиз, беихтиёр апоқ-чапоқ бўлиб кетасиз. Демокриманки, бу нарса устоз ё шогирднинг хоҳиши билан боғлиқ нарса эмас. Аммо ҳар қалай улар ўртасида эътиқод бирлиги, меҳр-муҳаббат, оқибат, садоқат бўлса, бу — гўзал муносабатдир, жамият ва тараққиёт учун фойдали муносабатдир. Агар у ўта шахсий манфаат характерига эга бўлса, бу — бориб турган гуруҳбозликдан бошқа нарса эмас. Аммо устознинг зиммасида бир омонат бор: у билганларини шогирдидан аямаслиги керак.

Ҳа, Навоий айтганлар-ку: Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,

Олиб тупроққа кетгумдир охир?

— **Ижодкор сифатида бугунги адабий жараёнга қандай баҳо берган бўлардингиз? Жумладан, ўзбек болалар адабиёти аҳволи қандай? Ривожланишда, турғунликдами?**

— Умуман, адабий жараён ҳаддан ташқари ўзига хос ходисадир. Албатта, руҳий ҳурлик, моддий имконият кўп нарсага ҳал қилади. Аммо ҳаётининг кузатилган адабий жараёнларини кузатсангиз, реакция ҳаддан ташқари кучайган даврларда ҳам, кўз кўриб, кулоқ эшитилмаган асарлар яратилганини кўриб, ҳайратга тушасиз.

XX асрнинг 10—20-йилларида Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Сўфизода ижодини кузатадиган бўлсақ шунга ўхшаш жараён юз берганини биламиз.

Албатта, ҳозир дунёга кўз-кўз қилса бўладиган "Ўткан кунлар", "Улугбек хазинаси" сингари романларимиз йўқ. Аммо тараққиёт давом этмоқда. Кўплаб роман ва қиссалар, драмалар, шеърини асарлар яратилди ва яратилмоқда. Ҳозир бир қарашда турғунликка ўхшаш кўринувчи хилма-хиллик кўзга таш-

“O'qituvchim — faxrim” ko'rik-tanloviga

Ойдин тун. Шундоқ дераза дарчасида тўлин ой муаллақ осилиб турибди. Майин эсган шабадада мавжланаётган ўт-ўланларнинг шитирлашию чигирткаларнинг ўйноқи куйи кичкина Асқарни тамоман ўзига асир қилган. Унинг бу тун хаёлида ўйнаётган “Ким бўлсам экан?” деган ўй қарши-сида ўйку лашкари бот-бот мағлуб.

... Эртага биринчи сентябрь. У энди мактабга боради. Ўқувчи. Бугун мактабга кийиб борадиган янги кийимларини кийиб, ўзини роса ойнага солди, ўртоқларига кўз-кўз қилди. Онаси кўп дуо қилди, отаси мактади. Аммо мақтовлар орасида “ўғлим, катта бўлсангиз, ким бўлмоқчисиз?”, дея берган саволи, рости, уни довдиратиб қўйди. Уйқуни-да енгиб, мурғак қалбни орзулар оламига етаклаган ҳам аслида ана шу савол бўлди.

«...Рости, ким бўлсам экан? ...Ха, топдим. Катта бўлсам, албатта, Абдували муаллимга ўхшаган ўқитувчи бўламан! Чунки у энг билимдон одам. Болаларни ҳам яхши кўради. Агар яхши кўрмаганида ху-у ёздаги қилигим — боғига тушганимда ушлаб олиб урган ёки ота-онамга айтган бўларди-да. Ха, у кўп китоб ўқийди, қўлида ҳаммиша китоб-дафтар... Эя, тўхта, агар жуда кўп китоб ўқиса, кўп нарсани билса, нега машинаси йўқ? ...Эя, каллаварам, шуни ҳам билмадинг-а, ахир, мактаб яқин-ку. Нима ҳам қиларди машинани...»

Шу хил ўйлар билан тонгга яқин ухлаб қолган Асқарни онаси Тожинисо ая юзларидан ўпиб уйғотди.

— Ха, уйқучи, уйғон, энди сен ўқувчисан. Ўқувчи бунча кўп ухламайди...

Шу-шу Асқар Сулаймонов уйқуни ёмон кўради.

— Кўп ухлаш одамни гафлатда қолдиради, — дейди ўқитувчи. — Цицерон шундай нақл қилади: фақат ҳаракатгина эзгуликнинг кадр-қимматини белгилайди. Илм — изланишдан, соғлик — ҳаракатдан. Ушбу ҳар иккала омил инсон бахтига пойдевор қўяди.

Ўқитувчининг фалсафаси оддий, дунёқараши содда. Аммо уларнинг замирида буюклик бор, улкан маъно яширин.

Одатда, бола тақлидчи бўлади. У меҳр кўйган кишига эргашади, ҳар бир гапини ибрат билади. Ёшликдаги сабоқ, илк бора мактаб остонасини ҳатлаш олдидан қилинган мақсад, орзу куртак ёзди. Ўқитувчиларнинг меҳри эса бу орзуларнинг ушалоғига янада қувват бағишлади.

— Ёдимда, — дея хотирлайди Асқар Сулаймонов, — бола дунёқараши билан қаричланган ўша тундаги ўй-хаёларим асосида танлаган кейинги ўз ҳаёт йўлимин эрта тонгданок отамга билдирмоқчи бўлдим. Бироқ минг афсуски, отам дехқон (колхозчи) бўлганликлари боис ҳам эрта саҳарданок ўз даласига чиқиб кетган экан. Ишонасизми, шундан сўнг ушбу саволни роса ўн бир йил кутдим. Фақатгина мактабни битирганимдан сўнггина, яна ўша савол қаршидан чиқдим. Аммо бу гал жавобим тайёр эди...

А.Сулаймонов мактаб давридаёқ ўқитувчиларига меҳр қўйди. Ўқувчини ўша вақтда дастлаб бошланғич синф ўқитувчиси Зайтуна Мухамедованинг болажонлиги, сўзларининг майин оҳанги ўқитувчига, ўқитувчилик касбига бўлган истакни янада кучайтирган бўлса, кейинчалик юқори синфларга ўтгач, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Мухайё Ис-

моилованинг билимдонлиги, зукколиги айна мақсаднинг муштаҳамланишига сабаб бўлди. Шу боис бўлса керак, бўлғуси ўқитувчи мактабни битирган бўлса-да, тезда ундан кўнгил узолмади. Бир йил мактабда етакчи бўлиб, ўз иш фаолиятини бошлаб юборди. Бунда, албатта, ўқитувчиларидан ўрганганлари асқотди. Аммо кейинги йил тушундики, ҳали бу билим унинг етук ўқитувчи бўлишига камлик қиларкан. Ўқитувчилик фаолиятдан ҳосил қилган дастлабки хулоса, фикр қалбига кўчди: **ўқитувчи шахсий кутубхонасини бойитиб, ўқиб-ўрганганларини ҳаёт билан боғлаб бормас экан, у маънавий қашшоқликка юз тутати.** Кейинчалик у ўқитувчиси ён дафтарига ҳам илдирилди.

Ха, ўқиш керак. Ушбу фикр 1960 йилда бўлғуси талабани Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетига хужжат топширишга

эмас. Болани дастлаб оила тарбиялайди. Маҳалла-кўй, қўни-кўшни йўл кўрсатади. Шарқда, айниқса, юртимизда азал-азалдан удум шундай: фарзанд тарбияси ҳеч бир киши эътиборидан четда қолмайди. Шу боис ўқитувчи мактабда оддий ўқитувчи, синф раҳбари бўлиб ишлайдими, хоҳ директор ўринбосари, хоҳ мактаб раҳбари бўлсин, биринчи навбатда ишни мактаб, оила ва жамоатчилик ўртасида ўзига хос ришта боғлашдан бошлайди. Самара ҳам чакки эмас. Агар муаллимнинг 45 йиллик педагогик фаолият



СОДДА ЎҚИТУВЧИ

ундади. Талабалик йиллари — илм йўллари. Бу давр Асқар Сулаймонов учун кўз очиб юмгунча, бир китобни ўқиб бўлиб, ҳали унинг таъсиридан қутулмай турган вақтидек ўтиб кетди. Йўлланма билан ўз туғилиб ўсган қишлоғидаги 84-мактабга ошиқар экан, дилда биргина ҳадик: ўқувчи, мактаб жамоаси мени қандай қабул қилар экан? Устозларим ишончини оқлай оларканманми?

Йўқ, дастлабки ҳаяжон тезда босилди. Ёш ўқитувчи ҳаш-паш дегунча ўзининг билимдонлиги, изланувчанлиги, қолаверса, ўқувчиларга меҳрининг ўзгачалиги боис барчаннинг эътиборига тушди. Албатта, бу осон кечмаганлиги, табиий. Бунда тўплаган тажриба яна иш берди. Улар яна қоғозга тушди: **ўқитувчи виждонан пок, вужуди тоза бўлмоғи керак. Чунки у ҳар қандай ғубордан холи бўлган мурғак қалбга маънавият ва маърифатдан сабоқ беради.**

Муаллимнинг яна бир ақида-си: **ўқитувчи бутун вужуди билан ўқувчилар қалбига йўл топгандагина, уларни билим чўққиларига етаклай олади. Ўқувчингизга нисбатан “одам бўлмайсан” деган иборани асло ишлатманг. У яқин келажакда ўзининг ҳаётда эришган мавқеи, одамийлиги билан сизни уялтириши мумкин.**

Муаллим фикрлари яна маввалгидек, оддий, самимий ва содда. Аммо уларнинг ҳар бирида энг катта ҳақиқат — ҳаёт ҳақиқати мужассам. Асқар Сулаймонов қайси мактабда ишлаб, қайси синф ўқувчиларига сабоқ бермасин, битта нарсига алоҳида эътибор қаратди. Фарзанд тарбияси, унинг камолотида фақатгина мактаб таълим-тарбиясининг ўзи кифоя

билан суҳбатда маҳалла оқсоқоли Эркин Аҳмедов, — жуда ноқулай жойда жойлашган. Бир томондан катта машина йўли, иккинчи томондан эса темирйўл ўтган бўлса, аэропорт ҳам худудимиздан у қадар олис эмас. Шу боис, Асқар Сулаймонов мактаб директори бўлиб келгунга қадар йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ воқеалар кўпуб учраб турарди. Шунинг учун мактаб раҳбари, биринчи навбатда, мактаб атрофини панжара билан ўрашга ҳаракат қилди. Сўнгга эса мактабга туташ чорраҳага светофор ўрнатилди. Бу ҳам муаллимнинг ташаббуси, билсангиз.

Хақ гап, мактаб раҳбарининг илм даргоҳи таълим-тарбия жараёнини намунали ташкил қилиш йўлида амалга оширган ишларини яна узоқ сана ш мумкин. Мактабда сўнгги йилларда чўмилиш ҳавзаси, очик гимнастика майдончаси, аввал кўмир билан ишлайдиган мактаб иссиқлик манбаининг Тошкент шаҳар марказий иситиш тармоғига уланиши йўлидаги савй-ҳаракатлар... Бу саноқ яна давомли... Бир сўз билан айтганда, А.Сулаймоновнинг ён дафтарида битилганидек, **раҳбарлик қилишнинг энг масъулиятлиси, мактабни бошқаришдир. Чунки мактаб раҳбари иш фаолиятини доимо ҳаракатдаги ўқувчилар орасида ўткази.**

45 йиллик бир соҳадаги фаолият — улкан меҳнат, бой ташриба дегани. Шубҳасиз, ушбу хазинадан баҳраманд инсон йўлда қоқилмайди. Устознинг яна бир эзгу қадами: мактаб таълим-тарбия ишини ривожлантиришда ўз ҳаёт тажрибасидан чиқарган хулосаларини жамлаб, ёш ўқитувчилар учун “Муаллим ўғитлари” номида ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўплам чоп этирди. Бундан ташқари, юртимиз таълим тизими, умуман, эл-улус эртасини бунёд этиш йўлида бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг маъно-моҳиятини очиб берувчи Юртбошимизнинг ибратли ўғитлари тўплаган “Миллий камолот йўли”, шунингдек, “Мактабдан — коллежга”, ёш авлодин тарбиялашда мактаб, оила, маҳалла ва кенг жамоатчилик ҳамкорлиги (237-мактаб иш тажрибасидан) ёритилган “Ҳамкорлик тавсияномаси” номли ўнга яқин тўпламлар ва қирқдан ортиқ илмий-методик мақолалари бор.

Бугунги кунда Асқар ака-вали муаллимдек ўқитувчи бўлиш орзуси том маънода у кишининг фарзандлари, ўқувчилари, қолаверса, маҳаллада улғаяётган ўғил-қизларда келажакда Асқар Сулаймоновдек ўқитувчи касбини танлаш орзуси билан алмашган. Бунга ҳозирнинг ўзидаёқ ўқитувчининг 16 нафар — 2 нафар қизи Мавжуда ва Манзура; ўғли Акмал ҳамда келинлари, хуллас, ушбу оила аъзоларининг кўпчилиги айнан ўқитувчилик касбини танлаганликлари ҳам далил. Бундан ташқари, ўқитувчининг 12 нафар ўқувчиси ҳам ҳозирда унинг издоши.

Умр — оқар сув. Аммо устоз бир нарсани жуда яхши биларди: **ўз меҳнати эвазига яшаётган маърифат эгаси оиласи учун, кўп қаватли, ҳашаматли уй қуролмаслиги мумкин. Аммо у ўқитган инсонлар вақти келиб улкан шаҳарлар бунёд этиши тайин.**

Баҳодир ЖОВЛИЕВ, журналист

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Ўқувчилар учун ёзги таътил давом этаётган бир маҳалда уларнинг жонажон масканлари — умумий ўрта таълим мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари айна авж палласига кирди. Айримлари бу вазифани аллақачон уддалаб ҳам бўлган.

Хўш, тасарруфида 75 та умумий ўрта таълим, 5 та мактабдан ташқари ва 10 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлган Самарқанд вилояти Нуробод тумани халқ таълими бўлимида бу борадаги ҳаракат қай даражада?

— Айна пайтда таълим муассасаларини жорий ва капитал таъмирдан чиқаришда мам-

Taraddud

лакатимиз раҳбарининг шу йил 19 февралдаги «2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига асосланган ҳолда, — дейди саволга жавобан туман ХТБ мудири ўринбосари Пардабой Эсонов. — Президентимизнинг шу йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб эса, 2009 йилгача 10 та мактабни капитал таъмирдан чиқариш режалаштирилди. Шу ўринда айтиш жоизки, туман ХТБга қарашли 2, 21 ва 55-умумий ўрта таълим мактаблари Осий тараққиёт банкининг грантига эга бўлишди ва айна пайтда ушбу илм масканларида таъмирлаш ишлари тугалланиш арафасида. Меҳр ва мурувват йили дастури бўйича туман ҳокими қарорига биноан умумий ўрта таълим мактабларига бириктирилган ҳомий ташкилотлар ҳам бу борада кўмаклашапти.

Ўқитувчиларнинг аънавий август кенгашларини интервал ол усулда ташкиллаштириш бўйича таянч мактабларда тренинг машғулотлари ўтказилаётгани, бу муаллимларнинг янги ўқув йилини янги билим ва иш-тиёқ билан кутишига асос яратмоқда.

Шерали НИШОНОВ

ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Магистратура босқичида таълим олиб, маълум илмий даражага эга бўлган битирувчиларга диплом топшириш маросимлари ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде ҳам ўтказилди. Тадбирда университет ректори, академик Тўрабек Долимов сўзга чиқиб, магистрантларни илмий ишларининг янги босқичга кўтаришгани билан қутлади. Мазкур ўқув даргоҳида 2001 йилдан бундан магистрлар тайёрланиб келинмоқда. Утган тўрт йил давомида мингдан ортиқ магистрлар муваффақиятли диссертация ҳимоя қилишди. Бу йил ҳам турли йўналишлар бўйича 407 нафар талабага магистрлик илмий даражаси топширилди. “Келгуси илмий ишларини ҳам чет тилларидан бирида ҳимоя қилмоқчиман. Бунинг учун чуқур илмий асосга эга бўлишим керак”, — дейди хорижий филология факультети магистранти Дилбар Зайтаева. Ушбу битирувчиларнинг диссертация ишлари мавзуларининг ақсарияти ижтимоий-сиёсий соҳаларнинг долзарб муаммоларини ечишга қаратилган. Бу тадқиқотлар магистрантларнинг 6 йиллик меҳнати натижасидир. Битирувчиларнинг 32 нафари аъло даражадаги диплом иши тайёрлаганлиги учун университет илмий кенгаши томонидан имтиёзли дипломга тавсия этилди.

Жалолиддин ЭШНИКОВ

Яқинда иқтисод фанининг умумий ўрта таълим тизимига киритилганига ўн йил бўлади. Ўтган давр мобайнида иқтисодий билим асослари фани алоҳида фан сифатида шакллана олди ва уни бугунги кунда ўқувчилар Э.Сариқов, М.Мама-тов, Б.Ҳайдаров, М.Матвеев ва бошқалар томонидан ёзилган дарсликлар ва кўшимча ада-биётларни қизиқиш билан ўзлаштирмоқдалар. Шунга қара-масдан бу борада ҳали ечили-ши керак бўлган катта муаммо-лар мавжуд. Чунинчи:

— мактабда иқтисодий би-лим асослари фани ўқитувчи-ларининг, етарли малакали кадрларнинг етишмаслиги;

— олий таълим муассасала-рида етарли даражада кадр-лар тайёрланмаётганлиги ёки у ерларда тайёрланган кадрлар-нинг аксарияти педагогликка эмас, бошқа соҳага ишга ўтиб кетаётганлиги;

— фан ўқитувчиларига етар-ли дарс юкмасининг мавжуд эмаслиги;

— бу фан бўйича қайта тай-ёрлаш тизими йўлга қўйилма-ганлиги;

— мактаб директорлари та-рафидан ҳар йили мазкур ўқув предмети ҳар хил фан ўқитув-чиларига берилиши;

— малака ошириш институт-ларида фан йўналиши бўйича амалиёт дарсларига етарлича соат ажратилмаётганлиги ва бошқа муаммолардир.

Биз Тошкент вилояти мала-ка ошириш институтининг 2003 йил режасига биноан "Иқтисо-дий билим асослари" фанини

ўқитиш даражаси, ўқитувчилар ва ўқувчилар билим савиясини ўрганиш мақсадида кафедрамиз ўқитувчилари биргаликда Бўстонлик ва Ўрта Чирчиқ ту-манларида ўрганиш ишларини олиб бордик. Бу кузатиш на-тижаларига кўра таҳлиллари-мизни куйидагича хулосалаш-миз мумкин.

Биринчидан, Бўстонлик тум-анида ХТБга қарашли 53 та мак-таб мавжуд бўлиб, буларда жа-ми 55 нафар ўқитувчи "Иқти-содий билим асослари" фани-

ўтказилган кузатишларга кўра, туман ўқитувчиларининг мала-ка ошириш даражаси паст. Ма-салан, Бўстонлик туманидан 2003 йил ҳисобидан 2 нафар ўқитувчи малака оширган бўлса, Ўрта Чирчиқ туманидаги 3 на-фар педагог малака ошириш курсидан ўтган. Охирги беш йиллик маълумотлар олиб қаралганда ҳам туманларда ма-лака ошириш даражаси 50 фо-издан кам. Ваҳоланки, биздаги режага асосан шу вақтга қадар Бўстонлик туманидаги 55 на-

дай семинар-тренингларида иштирок этишмаган.

"Иқтисодий билим асослари" фани бўйича Бўстонлик тум-анида битта 12-мактаб таянч мактаб сифатида белгиланган. Ўрта Чирчиқ туманида ҳам 72-мактаб айна фан бўйича таянч таълим маскани ҳисобланади. Бу мактабларда иқтисод фани хоналари ажратилган бўлиб, дарсга мос равишда жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга мазкур мактаблар-да дарсликлар, дарс режалари

Muammo

иқтисод фани ўқитувчиларини тайёрлаш факультетларини кўпайтириш орқали ечиш мум-кин. Олий ўқув юртини би-тирган кадрларни мактабга жалб қилиш билан бирга уларни етарли дарс юкмаси ва маош таъминотларини ҳам ўйлаш за-рур бўлади. Айни пайтда ма-лака ошириш тизимини тако-миллаштириш ҳам энг долзарб масалалардан саналади. Бунда ҳозирги иқтисод фанини қисқа муддатли малака ошириш кур-сларининг ўрнига ойлик мала-ка ошириш тизимини жорий қилиш ва амалиёт дарсларини кўпайтириш, шунингдек, фан-да янгилик ва ўзгаришлар кўп ва тез бўлаётганлигини ҳисоб-га олиб малака ошириш муд-датини 5 йилдан 3 ва ҳатто икки йилга қисқартириш, уларнинг жойларда изчил ўз билим ва маҳоратларини оширишга қара-тилган малака ошириш тизимига алоқадор услубий қўлланмалар ва адабиётлар билан таъминлаш ишларини такомиллаштириш керак.

Ўйлаймизки, биз юқорида тилга олган фикрлар иқтисо-дий билим асослари фанини ўқитиш самарадорлигини оши-ришга хизмат қилишда асқота-ди.

М.БОЛТАЕВ,
Тошкент вилояти ПХҚТМОЙ
ижтимоий фанлар
кафедраси катта
ўқитувчиси

ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИ ҚАНДАЙ ОШИРИЛАДИ?

дан дарс беради. Шулардан 21 нафари география ва 20 нафари математика фанлари ўқитувчиларидир, қолган 14 на-фар ўқитувчи эса бошқа фан мутахассисликларига эга. Ту-манда фақатгина бир нафар ўқитувчи мутахассис ҳисобла-нади. Ўрта Чирчиқ туманида эса ХТБга қарашли 74 та мактаб мавжуд бўлиб, шундан 41 та мактаб "Иқтисодий билим асос-лари" фани ўқитувчиси билан таъминланган. Уларнинг аксар-ияти олий маълумотли бўлсалар-да, мутахассис педагоглар ўрни-ни боса олмайди.

Иккинчидан, туманларда

фар ўқитувчидан 11 нафари малака ошириш курсларида қай-та тайёргарликдан ўтиши лозим эди. Ўрта Чирчиқ туманида эса 11 нафар ўқитувчи малака оши-риш керак, лекин бу масалага туман услубчилари жиддий қарашмаяпти. Малака ошириш учун талабномалар эса мактаб ва ўқитувчи сонига қараб эмас, балки тахминий равишда бел-гиланмоқда.

Шунингдек, ҳар иккала ту-манда ҳам ўқитувчилар давлат ташкилотларидан ташқари бошқа халқаро таълим муас-сасалари билан иш олиб бо-ришмаган. Устига-устак ҳеч қан-

ва бошқа фанга оид муаммо-лар апробациядан ўтказил-моқда.

Ўрни келганда ушбу муам-моларнинг ечимига тўхталиб ўтиш жоиз. Фикримизча, энг аввало, мазкур фанни ўқитиш самарадорлигини ошириш учун ушбу йўналишда кадрлар тай-ёрлашни такомиллаштириши-миз лозим бўлади. Шунингдек, мактабларни мутахассис ўқитув-чилар билан ҳам таъминлаш ке-рак. Бу муаммоларни икки хил йўл – яъни, айрим педагоглар-ни иқтисод фани йўналиши бўйича қайта тайёрлашдан ўтказиш, олий ўқув юртларида

КИМНИНГ ИНШОСИ МАЗМУНЛИ
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вази-рининг томонидан республикамиздаги педагогика институтлари талабалари ўртасида ўтказилган педагогика институтлари талабалари ўртасида Меҳр ва мурувват йилига бағишланган "Меҳринг-ни аяма, кўрсат мурувват" мавзусида Республи-ка иншоолар танлови биринчи босқичида ғолиб-ка иншоолар танлови педагогика институтлари деб топилган иншоолар педагогика институтлари томонидан Республика босқичига тавсия этил-ган эди.

Иншо танловига жами 21 та (Жиззах ДПИдан 5 та, Навоий ДПИдан 4 та, Нукус ДПИдан 4 та, ТВДПИдан 3 та, Қўқон ДПИдан 5 та) иншо келиб-тушди. Вазирлик қошида ташкил этилган ишчи-эксперт гуруҳи томонидан иншоолар ўрганиб чи-қилиб, энг яхшилари сараланди ва ғолиблар аниқланди. Танловнинг Республика босқичида Навоий давлат педагогика институти ўзбек фи-лологияси факультети 2-босқич талабаси Лола Розикованинг иншоси ҳам мазмунан, ҳам савдо-хонлик жиҳатидан биринчи ўринга муносиб деб-топилди. Шунингдек, бошқа педагогика инсти-тутларидан ҳам энг яхши иншоолар аниқланди. Қуйида Л.Розикованинг иншоси матнини ҳу-қуқингизга ҳавола этамиз.

Режа:
1. Умр занжирининг ибтидоси.
2. Ўхшаши йўқ улуг туйғу — меҳр.
3. Меҳр қолур, му-ҳаббат қолур!
Хулоса
Сиру синоатдан йўғрилган бу дунё! Унинг бағридаги савлату сало-батлар кўз илғамас мўъжизалардек қудратли эмас. Унинг юсак чўққи-лари тупроқ сингари мўътабар эмас. Унда ҳақиқат ёлғондек, ишо-нарли эмас. Инсоният яра-либдики, бунингдек жум-боқлар олам юзини яши-риб туради. Дунёни асл ҳолича кўриш, унинг мо-ҳиятига етиш учун ўша чигалликларга ечим топиш керак, чигалликларнинг калитини топиш учун маъ-навий оламга элтувчи

йўللари очиш зарур. Бу йўллари очиш учун юракнинг маслаҳатини тинглаш даркор. Тинглай билиш учун эса ўзликни англаш лозим. Ўзликни англаш, меҳру муҳаббат-дан бошланади. Ўзлагини англаган инсон ўзгаларни ҳам англайди. Мана сиз-га ҳаётнинг моҳиятига етиш занжири! Бу занжири-нинг аввали мусаффо тонг янглиғ покиза, бокира туйғу — меҳрга бориб та-қалган. Меҳр, бу инсон вужудида, юрагида ҳали ёруғ дунёга келмасидан, волидаю мухтарамасининг жисмида бўлган вақтда яраллади. Онанинг фарзан-дига бўлган муҳаббати фарзанд юрагида меҳр уйғотади. Юрак меҳр улғаядиган беланчак. У ҳар бир урганида меҳрни тебратади, аллалайди.

МЕҲРИМЪТЖИ АЯМА, КЎРСАТ МУРУВВАТ

Юрак дарёсидан сув ичув-чи томирлар, ирмоқлари уни элтиб, бутун танани бахраманд этади. Меҳр, унинг қароргоҳи Каъба-данда муқаддас — кўнгил, унинг зуҳри кўзларда на-моён. Меҳр — жамики эз-гуликлар, улугликларнинг ибтидоси. У билан қалб гулзори, мурувват ариғи-дан сув ичади, энг соф туйғу ва ҳиссиётларнинг туғилишига шароит ярала-ди. Сайёрамизда ҳаёт-нинг, тирикликнинг мав-жудлигига қуёшнинг бе-миннат нурлари таралиб тургани сабаб бўлгани-дек, маънавий оламнинг кенг, серқирра, етук ва комил бўлиши, меҳру му-рувват, меҳру оқибат, меҳ-ру муҳаббат биландир.

Ишончим комилки, ин-сон дея аталмиш ҳар бир зотнинг ўзигагина хос меҳри бор. Чехралар ўхшаши мумкин, феълу-атворда уйғунлик бўлиши мумкин. Кийимлар бир хил бўлиши мумкин, ле-кин ҳеч қачон меҳр ўхшаш бўлмайди. Она-нинг меҳрини ота, ота-нинг меҳрини ака, ака-нинг меҳрини опа бера олармиди? Бу ўринда гап меҳрнинг кўп ёки камли-гида эмас, балки унинг ўзига хослигидадир. На-заримда инсон учун ҳам, дунё учун ҳам меҳр каби қудратли куч йўқ. Онани

мўътабар зот қилган ҳам, Ватан тупроғини олий неъмат билган ҳам, бутун жаҳонни гўзалликка ошуфта қилган ҳам — меҳр. Меҳрсиз инсон бўлмайди. Меҳрни ҳис қилолмайдиган, уни ан-голмайдиган инсонлар мавжуд. Бир лаҳзага тур-муш ташвишларини уну-тингу, оламга меҳр кўзи билан назар солинг. Шу сонияларда меҳр муҳаб-бат қудратининг нақадар улуг эканини ҳис қиласиз. Қалбингизда ҳали ғубор кўнмаган гўшалар бор-

Tanlov
лигига амин бўласиз. Қан-чадан-қанча меҳрга таш-на кўнгилларнинг борли-гини туясиз. Меҳр кўрсат-ган киши бир кун, албат-та, меҳрга мушарраф бўлишини тушуниб ета-сиз. Оғир дамларингизда бировдан меҳрибонлик кўрган пайтингизда ай-ниқса, унинг энг ширин ва бетакрор ҳиссиёт экан-ини англайсиз. Етимхо-надан фарзандликка олин-ган боланинг кўзларига бир боқинг-а унда бутун ер юзасидаги бойликлар-дан-да қимматли, қадрли бўлган бахт мужассам бўлади. Унинг ҳис қилган қувончини қалам билан тасвирлаш қийин. Бу

меҳрнинг куч-қудрати эмасми? Меҳр бор жойда кўнгил фароғатда, дил таскинда, қалб эҳтиёжи қондирилган бўлади. Меҳр бор экан, инсон қадр-қиммати оёқ ости бўлмайди.
Меҳрингни аяма, меҳрдир қуёш, Ҳаётинг ўтсин у билан йўлдош. Мурувватинг кўрган барча инсонлар, Бўлғайлар сенга ҳам-роҳу дилдош!
Бир майизни қирқ бўлиб еган халқимиз ҳеч қачон бир-бирдан кўма-гани аямаган, гаму азаси-да ҳам, қувончу тўйида ҳам доимо шерик бўлиб яшаган. Буни меҳру-оқибат дейдилар. Қон-қонимизга сингиб кетган бу туйғу аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қол-ган. Бир нафаслик ҳаёт-дан ўчмас хотира бўлиб қилинган яхшилик, кўрса-тилган меҳр қолади. Зеро, Муҳаммад Юсуф айтганидек:
Қорачуғда порлаган ўша, Иқболига чорлаган ўша Дунёни тор айлаган ўша, Меҳр қолур муҳаббат қолур.
Аммо бугунги кунда азалий меҳр муҳаббати-мизни четлаб ўтиб, мод-дий эҳтиёжларнинг қон-

дирувчиси бўлиб қолма-япмизми. Меҳримизга ташна қалблардан ўзи-мизда мавжуд бўлган, ўзлимизга мансуб бўлган туйғуларимизни қизғонмаяпмизми? Мол-дунё деб ҳазрати инсон эканимизни унутмаяпми-ми? Бир мартага ато этил-ган умримизни ҳою-ҳаваслар билан ўтказмас-лик ўзимизга боғлиқ-ку, ахир. Аждодларимиз бо-сиб ўтган бу йўлларни биз давом эттирайлик. Уларнинг покиза руҳлари қаршида муносиб ворис бўла олишимизни исбот-лайлик!

Ушбу йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши ҳам огоҳликка даъват қилингандек назар-римда. Шунингдек, бу меҳр-мурувватга бўлган катта эътибор. Шундай имкониятдан унумли фой-даланиш, қўлимиздан кел-ганча бева-бечораларга, қарияларга ёрдам бериш — ҳар бир Ўзбекистон фу-қаросининг вазифасидир. Токи, илиги меҳр билан тўлиқ халқнинг фарзанд-лари эканлигимиз ҳамиша кўриниб турсин. Сўзим интиҳосида, қуйидаги ни-ятларимни баралла айт-моқчиман. Томиримизда жўш ураётган ота-бобола-римизнинг қони ҳақи, кўкрагини тўлдириб эрк ҳавосидан нафас олаётган мушфиқ она Ватанимиз ҳақи, кўзлари янгиликка ташна, эртанги куннинг бунёдкорлари—келажак авлод ҳақи меҳрли бўлай-лик, меҳримизни бир-би-римиздан аямайлик! Ҳеч бўлмаганда, мурувватимиз билан Ватан равнақиға ўз ҳиссамизни қўшайлик!
Лола РОЗИКОВА,
НавДПИ талабаси

Loyiha

Table with 4 columns: Test subject, Test type, Test results, and Remarks. Row 1: 2.8 Uquvchilikka qabul qilish, ta'lim bosqichi (sinflar), Uquvchilikka qabul qilish, tiklash, Uquvchilar safidan chikarish va kuchiриш hujjatlarini rasmiylashtirishda iyl kuyilgan hatoliklar soni [], Nizomga rioya etilganda mos

3. RAQBAR VA PEDAQOG - UKITUVCHI KADRLAR SALOXIYATI

Table with 3 columns: Test subject, Test type, Test results, and Remarks. Row 1: 3.1. Pedagog - UKITUVCHILAR, tarbiyachi va murabbiylar salohiyati, Ilmий darajali va unvonlilar soni [], Oliy toifalilar soni [], Birinchi toifalilar soni [], Oliy ma'lumotlilar soni [], UKITUVCHILARNING UMUMIY SONI [], Salohiyat (olий ma'lumotlilar) 80 foiz bulganda mos

4. MODDIY - TEXNIKA VA UKUV-LABORATORIYA BAZASI

Table with 6 columns: Test subject, Test type, Test results, and Remarks. Row 1: 4.1. UKUV MAIDONLAR bilan ta'minlanganlik, UKUV MAIDONI bilan ta'minlanganlik darajasi (normativ hujjat asosida) [], 1 UKUVCHIGA tuzgi keladigan MAIDON UKUV YURTINING MAIDON bilan ta'minlanganligi (MAVJUD MAIDON KONTINGENTGA nisbatan OLINAADI m² - HISOBIDA) [], 100% bulganda mos

UZBEKISTON RESPUBLIKASI UMUMIY URTA TA'LIM MUASSASALARINI ATTESTATSIAJDAN UTKAZISHDAGI TALABLARI VA

МЕЗОНЛАР

(ta'lim muassasasining nomi)

Table with 3 columns: Kurساتкичлар, Ma'lumot manban, Me'yor. Row 1: 1. UKUVCHILAR BILIM DARAJASI, 1.1. Ekspertlar tomonidan utkazilgan nazorat ishlar natijalari, Ta'lim bosqichlari (sinflar), Uquvchilar soni, Uquvchilar olgan «5», «4», «3» va «2» baholar soni, A1, A2, A3, A4, A5, A6, Nazorat ishlar natijasiga kura: 1) 95% ijobiy baholansa (shundan 50% «5», 30% «4» va 15% «3») - «a'lo»; 2) 80% (shundan 70% «5» va «4») ijobiy baholansa, «yaxshi»; 3) 80% «3» bulsa - «qoniqarli»; 4) 80% dan kam «3» ga baxarsa - «qoniqarsiz» kadrlar tayirlanmoqda.

2. Davlat ta'lim standartlarining UKUV JARAENIGA JORIY ETILISHI

Table with 6 columns: Test subject, Test type, Test results, and Remarks. Row 1: 2.1. Davlat ta'lim standartlarining (DTC) ta'lim muassasasida mavjudligi, J - ta'lim bosqichlari (sinflar) soni [], J1 - ta'lim bosqichlari (sinflar) b'iyicha DTC (namunaviy UKUV reja, dastur, b'iyim, k'unkima va malka talablariga ega bo'lgan bosqich) (sinflar) soni [], DTC (UKUV rejasini va dasturlari) mavjudligiga mos;

I. UMUMIY MA'LUMOTLAR 1. Mazkur Tartib «Ta'lim t'g'risida»i qonun va Kadrlar tayirlash milliy dasturi, Vazirlar Ma'xmasining 2004 iyl 24 iyonidagi 293-sonli «Uzbekiston Respublikasi Vazirlar Ma'xmasi xuzuridagi Davlat test markazi faoliyatini takomillashtirish t'g'risida»i, 2003 iyl 29 oktyabrda 473-sonli «Umumiy urta va urta maxsus, kasb-xunar ta'limiga izchil utishni ta'minlashga doir k'ushimcha chora-tadbirlar t'g'risida»i, 1998 iyl 13 maydagi 203-sonli «Uzbekiston Respublikasida umumiy urta ta'limni tashkil etish t'g'risida»i, 1999 iyl 16 avgustdagi 390-sonli «Umumiy urta ta'limning davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash t'g'risida»i qarorlari, Vazirlar Ma'xmasining 1999 iyl 6 dekabrda 07/40-57-sonli hujjatiga asosan ma'kullangan «Maktabgacha b'ydagi bolalar ta'lim-tarbiyasiga va maktabdan tashqari ta'limga k'uyiladigan davlat talablari» hamda «Uzbekiston Respublikasi uzluksiz ta'lim tizimi muassasalarini davlat attestatsiyasi va akkreditatsiyasidan utkazish t'g'risida»i gi Nizom va bosqa ta'limga oid amaldagi me'yoriy hujjatlariga asosan ishlab chikildi.

2. Ushbu Tartib respublika hududida faoliyat k'rsataётган барча мактабгача, umumiy urta va maktabdan tashqari ta'lim muassasasi (Ta'lim muassasalarining idoraviy b'yuysini va mulkchilik shaklidan kat'iyi nazar ularni attestatsiyadan utkazishning talablari va mezonlarini belgilaydi.

3. Davlat ta'lim muassasalari attestatsiyasi tasdiqlangan javdalga eki ta'lim muassasasining tashbusiga muvofig 5 iyllda bir марта utkaziladi.

4. Ta'lim faoliyatini litsenziyangan nodavlat maktabgacha, umumiy urta va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarining attestatsiyasi ularning Davlat test markazi (Markaz) ga bergan arizalari asosida amalga oshiriladi. Ta'lim muassasasini attestatsiyadan utkazish bilan bogliq sarf-harajatlari nodavlat ta'lim muassasasi tomonidan qoplanadi.

5. Umumiy urta ta'lim muassasalari attestatsiya natijalariga kura, davlat akkreditatsiyasidan mahrum etilishi mumkin.

6. Attestatsiya natijalariga kura, ta'lim muassasasining Uzbekiston Respublikasining «Ta'lim t'g'risida»i qonuni va Kadrlar tayirlash milliy dasturi hamda ta'limga oid amaldagi hukukey-me'yoriy hujjatlar talablari asosida uning reytingini va maqomi t'g'risida xulosalar tayirlanadi.

II. DAVLAT TALABLARI VA TA'LIM STANDARTLARINING TA'LIM-TARBIYA JARAENIGA JORIY ETILGANLIGI

7. Maktabgacha va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida davlat talablarining joriy etilganligi k'uyidagi omillarida aniklanadi: — davlat talablariga muvofig maktabgacha b'ydagi bola shaxsini sog'lom, jismonan rivojlangan va etuk tarbiyalanishi hamda maktabga tayirgarligi maxsus testlar, savollar, suxbat va ijobiy ish topshiriqlari natijalarini tahlil qilish tufayli;

— tarbiya-pedagog kadrlar tarkibi, salohiyati, ularning metodik ish tajribaga egliligi va ta'lim-tarbiya jaraeni-gigienaga mosligi

Uzbekiston Respublikasi maktabgacha, umumiy urta va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazish TARTIBI

— zaruriy moddiy-texnik bazaning mavjudligi; — t'ugarak mashg'ulotlarida olingan bilimlarining davlat talablariga muvofigligi.

8. Umumiy urta ta'lim maktablarida davlat ta'lim standartlarining joriy etilganligi k'uyidagilarida urganiladi: — UKUV rejalari va dasturlarining sifati, urnatilgan tartibda rasmiylashtirilganligi, UKUV jaraeni-gigienaga mosligi;

— UKUVCHILAR VA BITIRUVCHILARINING fanlardan olgan bilim, k'unkima va malakalarining davlat ta'lim standartlariga talablariga muvofigligi utkazilgan test, e'ma ishlar natijalarining urnatilgan me'yerlariga mosligi;

— s'unggi uch iyllda ta'lim muassasasini yakuniy bitiruv attestatsiya natijalarining mezoniga muvofigligi tahlil qilinaadi. Bundan tashqari, ta'lim muassasasida kadrlar tayirlash sifati-gigienaga ta'sir k'rsatishi mumkin bulgan tabzi omillariga ham e'tibor qaratiladi. Xususan, ta'lim jaraeni-gigienaga ta'sir k'rsatishi muvofiq ravjlanish sharoitida amaldagi hukukey-me'yoriy hujjatlar talablari asosida uning reytingini va maqomi t'g'risida xulosalar tayirlanadi.

9. Ta'lim muassasalarida taxsil olaётган UKUVCHILAR VA BITIRUVCHILARINING fanlardan olgan bilim, k'unkima va malakalarining davlat ta'lim standartlariga talablariga muvofigligi utkazilgan test, e'ma ishlar natijalarining urnatilgan me'yerlariga mosligi;

III. KADRLAR TA'YIRLASH SIFATINI BAQOLASH MEZONLARI

10. Attestatsiya komissiyalarining ekspertlari tomonidan fanlar b'iyicha nazorat ishlarini utkaziladi. Nazorat ishlarini utkazish davrida alohida fanlardan e'ma ish, test, ozgaki s'urov va suxbatlar hamda amaliy topshiriqlar utkazilishi kuzda tutiladi. Zarur bulganda ekspertlar tomonidan UKUVCHILAR VA BITIRUVCHILARINING fanlardan olgan bilim, k'unkima va malakalarining davlat ta'lim standartlariga talablariga muvofigligi utkazilgan test, e'ma ishlar natijalarining urnatilgan me'yerlariga mosligi;

11. Umumiy urta ta'lim muassasalarini bitiruvchilarining s'unggi uch iylidagi yakuniy davlat attestatsiyasi natijalari b'iyicha k'uyidagi xulosalar kiritiladi: — bitiruvchilarining 95 foizi (shundan 50 foizi «a'lo», 30 foizi «yaxshi» va 15 foizi «qoniqarli») nazorat ishlarini ijobiy baxargan bulsa, u holda ta'lim muassasasida «a'lo» darajada; — bitiruvchilarining 80 foizi (shundan 70 foizi «a'lo» va «yaxshi») ijobiy baholarga javob berisha, u holda «yaxshi» darajada;

12. Maktabgacha, umumiy urta va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarida kadrlar tayirlash sifati-gigienaga ta'sir k'rsatishi muvofiq ravjlanish sharoitida amaldagi hukukey-me'yoriy hujjatlar talablari asosida uning reytingini va maqomi t'g'risida xulosalar tayirlanadi.

13. Maktabgacha, umumiy urta va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarini bitiruvchilarining s'unggi uch iylidagi yakuniy davlat attestatsiyasi natijalari b'iyicha k'uyidagi xulosalar kiritiladi: — bitiruvchilarining 95 foizi (shundan 50 foizi «a'lo», 30 foizi «yaxshi» va 15 foizi «qoniqarli») nazorat ishlarini ijobiy baxargan bulsa, u holda ta'lim muassasasida «a'lo» darajada; — bitiruvchilarining 80 foizi (shundan 70 foizi «a'lo» va «yaxshi») ijobiy baholarga javob berisha, u holda «yaxshi» darajada;

14. Maktabgacha, umumiy urta va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazishni tashkil qilish maqsadida joylardagi Markaz tomonidan attestatsiya komissiyalari tuziladi. Komissiyani Markazning vakolatli vakili bosqaradi. Joylardagi ta'lim tizimi raqbar organlari va ma'halлий hokimliklar komissiyalar tarkibini tuzishda va tashkiliy masalalarda mas'ul hisoblanadi.

15. Attestatsiya komissiyasining ta'lim muassasasidagi faoliyatini 4 kundan oshmaydi.

16. Komissiya a'zolarining xizmat safori bilan bogliq moliyaviy xarajatlari ularning asosiy ish joyi ma'blagi hisobidan qoplanadi.

17. Ta'lim muassasalari tomonidan komissiyaga k'uyidagi hujjatlar taqdim etiladi: — ta'lim muassasasining Ustavi va Pasporti; — namunaviy va ishchi UKUV rejalari hamda fan dasturlari; — UKUV iylgi yakunlari b'iyicha hisobotlar (s'unggi 3 iyl uchun); — UKUVCHILAR SONI t'g'risidagi ma'lumotlar (ta'lim bosqichlari va UKUVCHILARINING tashkil etilishi va utkazilishi b'iyicha); — UKUVCHILARINING yakuniy davlat attestatsiyasi natijalari (s'unggi 3 iyllda).

18. Komissiya ta'lim muassasasida ta'lim dasturlari, iynalishlar b'iyicha kadrlar tayirlash mazuini, daraejasini va sifatining davlat ta'lim standartlarini hamda davlat talablariga muvofigligi t'g'risida xulosa tayirlaydi.

19. Attestatsiya komissiyasi xulosasiga kura, ta'lim muassasasi «Attestatsiyadan utdi», «Attestatsiyadan shartli utdi».

20. Ta'lim muassasalarini bitiruvchilarining s'unggi uch iylidagi yakuniy davlat attestatsiyasi natijalari b'iyicha k'uyidagi xulosalar kiritiladi: — bitiruvchilarining 95 foizi (shundan 50 foizi «a'lo», 30 foizi «yaxshi» va 15 foizi «qoniqarli») nazorat ishlarini ijobiy baxargan bulsa, u holda ta'lim muassasasida «a'lo» darajada; — bitiruvchilarining 80 foizi (shundan 70 foizi «a'lo» va «yaxshi») ijobiy baholarga javob berisha, u holda «yaxshi» darajada;

21. Umumiy urta ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazishni tashkil qilish maqsadida joylardagi Markaz tomonidan attestatsiya komissiyalari tuziladi. Komissiyani Markazning vakolatli vakili bosqaradi. Joylardagi ta'lim tizimi raqbar organlari va ma'halлий hokimliklar komissiyalar tarkibini tuzishda va tashkiliy masalalarda mas'ul hisoblanadi.

22. Qayta attestatsiya natijalariga kura, umumiy urta ta'lim muassasasini bitiruvchilarining s'unggi uch iylidagi yakuniy davlat attestatsiyasi natijalari b'iyicha k'uyidagi xulosalar kiritiladi: — bitiruvchilarining 95 foizi (shundan 50 foizi «a'lo», 30 foizi «yaxshi» va 15 foizi «qoniqarli») nazorat ishlarini ijobiy baxargan bulsa, u holda ta'lim muassasasida «a'lo» darajada; — bitiruvchilarining 80 foizi (shundan 70 foizi «a'lo» va «yaxshi») ijobiy baholarga javob berisha, u holda «yaxshi» darajada;

23. Maktabgacha va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazishni tashkil qilish maqsadida joylardagi Markaz tomonidan attestatsiya komissiyalari tuziladi. Komissiyani Markazning vakolatli vakili bosqaradi. Joylardagi ta'lim tizimi raqbar organlari va ma'halлий hokimliklar komissiyalar tarkibini tuzishda va tashkiliy masalalarda mas'ul hisoblanadi.

IV. TA'LIM MUASSASALARINI ATTESTATSIAJDAN UTKAZISHNI TASHKIL ETISH TARTIBI VA TALABLARI

24. Attestatsiya komissiyasining ta'lim muassasasidagi faoliyatini 4 kundan oshmaydi.

25. Komissiya a'zolarining xizmat safori bilan bogliq moliyaviy xarajatlari ularning asosiy ish joyi ma'blagi hisobidan qoplanadi.

26. «Attestatsiyadan utdi» deb e'tirof etilgan umumiy urta, maktabgacha va maktabdan tashqari ta'lim muassasalariga urnatilgan tartibda rasmiylashtirilgan tegishli hujjat beriladi.

27. Ta'lim muassasalarining attestatsiya natijalari b'iyicha e'tirozlarini Davlat test markazidagi «Apellyatsiya komissiyasi» tomonidan k'uyib chikiladi.

28. Ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazishni tashkil qilish maqsadida joylardagi Markaz tomonidan attestatsiya komissiyalari tuziladi. Komissiyani Markazning vakolatli vakili bosqaradi. Joylardagi ta'lim tizimi raqbar organlari va ma'halлий hokimliklar komissiyalar tarkibini tuzishda va tashkiliy masalalarda mas'ul hisoblanadi.

29. Attestatsiya komissiyasining ta'lim muassasasidagi faoliyatini 4 kundan oshmaydi.

30. Komissiya a'zolarining xizmat safori bilan bogliq moliyaviy xarajatlari ularning asosiy ish joyi ma'blagi hisobidan qoplanadi.

31. Umumiy urta ta'lim muassasalarini bitiruvchilarining s'unggi uch iylidagi yakuniy davlat attestatsiyasi natijalari b'iyicha k'uyidagi xulosalar kiritiladi: — bitiruvchilarining 95 foizi (shundan 50 foizi «a'lo», 30 foizi «yaxshi» va 15 foizi «qoniqarli») nazorat ishlarini ijobiy baxargan bulsa, u holda ta'lim muassasasida «a'lo» darajada; — bitiruvchilarining 80 foizi (shundan 70 foizi «a'lo» va «yaxshi») ijobiy baholarga javob berisha, u holda «yaxshi» darajada;

32. Qayta attestatsiya natijalariga kura, umumiy urta ta'lim muassasasini bitiruvchilarining s'unggi uch iylidagi yakuniy davlat attestatsiyasi natijalari b'iyicha k'uyidagi xulosalar kiritiladi: — bitiruvchilarining 95 foizi (shundan 50 foizi «a'lo», 30 foizi «yaxshi» va 15 foizi «qoniqarli») nazorat ishlarini ijobiy baxargan bulsa, u holda ta'lim muassasasida «a'lo» darajada; — bitiruvchilarining 80 foizi (shundan 70 foizi «a'lo» va «yaxshi») ijobiy baholarga javob berisha, u holda «yaxshi» darajada;

33. Maktabgacha, umumiy urta va maktabdan tashqari ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazishni tashkil qilish maqsadida joylardagi Markaz tomonidan attestatsiya komissiyalari tuziladi. Komissiyani Markazning vakolatli vakili bosqaradi. Joylardagi ta'lim tizimi raqbar organlari va ma'halлий hokimliklar komissiyalar tarkibini tuzishda va tashkiliy masalalarda mas'ul hisoblanadi.

34. Ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazishni tashkil qilish maqsadida joylardagi Markaz tomonidan attestatsiya komissiyalari tuziladi. Komissiyani Markazning vakolatli vakili bosqaradi. Joylardagi ta'lim tizimi raqbar organlari va ma'halлий hokimliklar komissiyalar tarkibini tuzishda va tashkiliy masalalarda mas'ul hisoblanadi.

35. Attestatsiya komissiyasining ta'lim muassasasidagi faoliyatini 4 kundan oshmaydi.

36. Komissiya a'zolarining xizmat safori bilan bogliq moliyaviy xarajatlari ularning asosiy ish joyi ma'blagi hisobidan qoplanadi.

37. Ta'lim muassasalarini attestatsiyadan utkazishni tashkil qilish maqsadida joylardagi Markaz tomonidan attestatsiya komissiyalari tuziladi. Komissiyani Markazning vakolatli vakili bosqaradi. Joylardagi ta'lim tizimi raqbar organlari va ma'halлий hokimliklar komissiyalar tarkibini tuzishda va tashkiliy masalalarda mas'ul hisoblanadi.

Tartib va mezonlar loiyhaxis b'iyicha pedagoglardan, urta maxsus, kasb-xunar va xalk ta'limni bosqarmalari hamda b'ylimlari tomonidan bildiriladigan taklif va mulohazalar Davlat test markaziga iynalinishi mumkin. Manzil: Toshkent shaxri, J.Obidova k'uchasi-12. DAVLAT TEST MARKAZI



Шифокорлик касбининг бошқа соҳалардан ажралиб турувчи нозик қирралари бор. Буни балки "Бемор билан кўшилиб дард чека билмоқ" десак баландпарвоз иборага ўхшаб қолар. Лекин яхши ҳақим бўла олмақ учун худди ана шу хислат жоиздек, назаримизда. Хасталикка қарши фақат билим ва тарғибот ила курашмоқ вазифага бир ёклама ёндашмоқдир. Тиббиёт йўлида хизмат қилмоқни ихтиёр этган кишининг юрагида ҳаммакидан-да гўзалроқ меҳр-мурувват, барчаникидан устунроқ шафқат бўлмоғи керак. Қачонки у беморини ўзидан-да азизроқ кўриб, дардига малҳам бўлишга шайланмас экан касбу корига садоқати, қасамёдига содиқлигини исбот эта олмайди.

Зарафшон тиббиёт коллежи жамоаси ўқув масканида таълим олаётган ёшларга билим ва кўникма бериш баробарида, уларнинг ҳаётини қарашларига ана шундай туйғуларни сингдиришга ҳаракат қилишмоқда.

Нафақат Навоий вилоятида, балки республикада, ҳаттоки хорижда ҳам "олтинтопарлар шаҳри" дея эътироф этилувчи Зарафшондаги тиббиёт коллежи фаолияти билан танишар эканмиз, бунга яна бир бора амин бўлдик. Ўқув маскани директори Исан Махаммадов билан уюштирган мулоқотимиз ҳам шу йўлда олиб борилаётган ишлар, келгусидаги режалар хусусида бўлди.

Барча жабҳаларда бўлаётгани каби соғлиқни сақлаш тизимида юз бераётган ислохотлар, ҳукуматимизнинг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури касбга тўғри йўналтиришга янгича ёндашиш, ижодкорона руҳда меҳнат қилишимизни тақозо этмоқда. Айнан ана шундай талаблар, аввало, ўқитувчилар таркибининг билим ва тажрибага мукамал эга бўлиши, назария ва амалиётнинг уйғунлашувига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Вилоятимизда "Саломатлик" дастурининг кенг кўламда амалга оширилиши, қишлоқ врачлик пунктларининг замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланиши толиби илмларимизнинг келажақдаги масъулиятини янада ошираётир. Чунки ҳар қандай имкониятнинг ўзига хос талаби бўлганидек, бу тиббиёт ускуналаридан ўз ўрнида, тўғри, самарали фойдаланиш учун

ҳам янги билим, салоҳият, ўқув мужассамлашмоғи керак.

Республикада касб-ҳунар таълимининг ривожига бугун катта эътибор қаратилмоқда. 2000 йил Майкл Портер бошчилигидаги Жаҳон банки вакилларининг коллежизмга ташрифи ҳам ана шу эъти-

Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли 3-тиббиёт санитария қисми қошида 2002-2003 ўқув йили 6 та ўқув-амалиёт хоналари ташкил этилиб, талаблар даражасида жиҳозланди. Шунингдек, коллежизм қошида битта стоматология кабинети, битта тишларни протезлаш кабинетлари ташкил этилиб, стоматология жиҳозлари билан таъминланди. Айни пайтда шаҳардаги хусусий тартибда фаолият юритаётган шифокорлар билан ҳам амалиёт дарсларини мукамал ташкил этиш мақсадида шартномалар тузилган. Бу, айниқса, "Ортопедик стоматология" мутахассислиги бўлими ўқувчи-ёшларига қўл келмоқда. Йигит-қизларимизнинг амалий кўникмаларни мустақил равишда бажаришга нечоғлик эришаётганлиги доимий назоратимизда.

Дипломолди амалиёти даврида марказий шифохоналарнинг даволаш ишлари бўйича бош ҳақим муовинлари амалиётнинг умумий раҳбари, бош ҳамширалар ва тажри-

Касб-ҳунар коллежларида



бирга маънавий ва жисмоний камолотларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқ лозим...

— Бу масалаларнинг нечоғли аҳамиятли эканлиги ҳар биримизнинг қарашларимизга сингиб кетиши шарт, деб ўйлайман. Колле-

"Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими: сиёсий рақобатни шакллантириш", "Кучли давлатдан кучли жамият сари" каби мавзуларда ўтказилаётган турли кечалар, дара суҳбатлари, учрашувлар уларни мустақил, эркин фикрлашга, ёт қарашларга ўз муносабатларини билдиришга, гўзал маънавият соҳиблари бўлиб улғайишларига туртки бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини дастурил-амал деб билган ҳолда спортнинг оммавийлигини янада оширишга катта эътибор қаратмоқдамиз. Таҳсил олаётган 1025 нафар йигит-қизларимиз жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланмоқда. Улардан 112 нафари спортнинг турли йўналишларидаги тўғаракларда қатнашиб, ўтказилаётган мусобақаларда билим даргоҳи, шаҳримиз шаънини ҳимоя қилмоқда. Ўқувчиларимиздан Катя Трофимова парашютдан сакраш бўйича республика миқёсида ўтказилган мусобақада иштирок этиб, фахрли II ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Дилмурод Жумаев "миллий кураш" бўйича, Жанабай Сералиев спортнинг "қаратэ-таэквондо" тури бўйича вилоят беллашувларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Спорт дўстлик, тинчлик рамзидир. Турли миллат фарзандлари инсон саломатлигини муҳофаза қилишдек хайрли касбни ихтиёр этиб таҳсил олаётган коллежизмда ҳам спорт ёшларимизнинг жисмоний баркамоллиги йўлида хизмат қилиш билан бирга яқдиллик тимсоли бўлиб қолмоқда.

**Ойбуви ОЧИЛОВА
суҳбатлашди.**

ДАРДМАНГА ДАРМОН ИСТАР КЎНГИЛ...



Зарафшон тиббиёт коллежида ана шундай меҳр-шафқат соҳибия соҳибалари камол топаётир

борнинг бир кўриниши бўлди. Мазкур банк томонидан 2001 йилнинг 1-чорагида 22 донга замонавий компьютерлар ажратилган бўлса, ўтган йилнинг июлида 39 миллион сўмлик анатомия жиҳозлари, кодоскоплар келтирилди. Шу йилнинг мартда "Саломатлик-1" лойиҳаси бўйича ўқув юртимизга 6 миллион сўмлик ўқув жиҳозлари, шунингдек, Япониянинг "JICA" ташкилоти томонидан ҳамширалик ишини ривожлантириш бўйича салмоқли миқдордаги тиббиёт муляжлари берилди.

Халқимизда "Олмоқнинг бермоғи бор" деган нақл бор. Ҳукуматимизнинг бу гамхўрликларига жавобан том маънодаги ўз касбининг фидоийси бўлган тиббиёт ходимларини тайёрлаш жамоамизнинг касбий ва инсоний бurchига айланган.

— Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари қай тарзда йўлга қўйилган?

— Амалий дарсларни самарали ўтиш учун бир қатор изланишлар олиб борилмоқдаки, бу ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

бали тиббиёт ходимлари бевосита раҳбар этиб тайинландилар.

— Маълумки, узлуксиз таълим тизимини ахборот тизими билан таъминлашда кутубхонанинг роли катта. Шу ўринда билим маскани кутубхонасидаги имкониятлар сизни қониқтирадими?

— Кутубхонамиз фонди айни кунда 9266 тани ташкил этади. 20 ўринли ўқув зали мавжуд. Ўқувчи-ёшларимизнинг истақ ва талаблари инobatга олиниб, қондирилаяпти, дейишимиз мумкин. Кутубхонанинг умумий ишлари китоб кўргазмаси, адабий кечалар, суҳбатлар ўтказиш, библиография хизмати ўтказишдан иборат ва бу ишлар тўғри ташкил этилган. Мисол тариқасида биринчи босқич толиби илмларининг ўқув йили давомида кутубхонадан фойдаланишларини таҳлил қилишимиз мумкин: 5830 нафар ўқувчи 17490 донга китобни мутолаа қилишган. Кутубхона низомига кўра, махсус кутубхоналар бир кунда 22-24 ўқувчига хизмат қилишини ҳисобга олсак, кутубхонамиздаги бу борадаги кўрсаткич 50-55 мижозни ташкил этади. Мен, албатта, рақамлар ортидан қувмоқчи эмасман. Ўтказилаётган турли тадбирлар, ўқувчиларимизнинг ҳаётга уйғоқ нигоҳ билан қарашлари уларнинг даврий нашрларни мунтазам мутолаа қилишлари, китоб билан ҳамнафас яшаётганларидан далолат беради.

— Ҳаётнинг ўзи юртимизда янги давлат, янги жамият куриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Бу борада бошланган ижобий ишларни давом эттириш эса ҳар томонлама етук, маънан ва жисмонан баркамол ёшларимиз зиммасида. Шундай экан, толиби илмларга пухта билим бериш билан

жимизда маънавият ва маърифат йўналишида кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган. Гуруҳ раҳбарлари кенгаши ота-оналар билан мунтазам ҳамкорлик ўрнатганки, бу ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда. Ўқувчиларимиз ўртасида "Гиёҳвандликнинг олдини олиш", "Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш", "Одоб-ахлоқ, муомала ва кийиниш маданияти",

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Зарафшон тиббиёт коллежи 2004-2005 ўқув йили учун абитуриентлар қабул қилади

Таълим муассасаси ўрта ва махсус маълумотномага эга бўлган йигит-қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга таклиф этади:

IX синф маълумотига эга бўлганлар учун:

1. "Ҳамширалик иши" — ўқиш муддати — 3 йил
2. "Даволаш иши" — ўқиш муддати — 3 йил
3. "Ортопедик-стоматология" — ўқиш муддати — 3 йил

XI синф маълумотига эга бўлганлар учун:

1. "Ҳамширалик иши" — ўқиш муддати — 1 йил 10 ой.

(ўқиш контракт-тўлов асосида)

Ўқув юртига ўқишга кирувчи абитуриентлардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:

IX синф битирувчилари учун


1. Ариза.
2. Саломатлиги тўғрисида тиббиёт муассасаси хулосаси (Ф-086.У).
3. Таъин маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
4. 3x4 ҳажмдаги 6 донга фотосурат.
5. Шаҳар ва туман халқ таълими бўлими ташхис марказининг тавсияномаси.

XI синф битирувчилари учун

1. Ариза.
2. Саломатлиги тўғрисида тиббиёт муассасаси хулосаси (Ф-086.У).
3. Ўрта маълумоти тўғрисида шаҳодатнома (асл нусхаси).
4. 3x4 ҳажмдаги 6 донга фотосурат.
5. Паспорт (нусхаси) ва ҳарбий хизматга дахлдорлиги тўғрисида ҳужжат.

ҲУҲЖАТЛАР 20 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАНЗИЛ: Зарафшон шаҳри, 12-кичик туман, "Юлдуз" маҳалласи. Зарафшон тиббиёт коллежи.
Тел: 572-03-32, 572-03-33.



**O'ZBEK
BARCHINOVI**


*Ko'ngling muhabbatga bo'lsa ham tashna,
Qalbing otash bo'lib, olsa alanga.
Muhabbat g'unchasi unajak yana.
G'ururli, orlidir o'zbek Barchini.
Alpomish orzusi — oriyat, shoni.*

*Alping seni deb gar dovon oshsa ham,
Yuraging urishi buzsa-da sukut,
Ko'zlar-ko'zlar bilan sirlashsa ham jim.
G'ururli, orlidir o'zbek Barchini,
Alpomish orzusi — oriyat, shoni.*

*Yolg'izlik ayovsiz qalbg'a sanchsa tig',
Orzu qolsa, armon ko'lankasida.
Lek umid g'unchasi ochajak chechak,
O'zbek Barchinoyi, kelar Alpomish,
El g'ururi senda, baxtga och quchoq!*

Gavhar SHOMANSUROVA,

Toshkent turizm kasb-hunar kolleji o'quvchisi



**USTOZ
ZULFIYAGA**

*She'riyat mulkinging guli — Zulfiya,
Ibrating biz uchun misli madhiya.
Bitgan har misrang bir muqaddas tilak,
Ijoding sehdan sarxush bu yurak.*

*Sen sadoqat gulshanida yagona,
Men she'riyat bo'stoningga parvona.
Har ish bo'lsa yengib o'tding mardona,
Timsolingda o'zbek qizi — afsona.*

*Buyuk AYOL qalbin namoyishi sen,
Izdoshlaring taskin, oroyishi sen.
Chorlayverar bizni bosgan izlaring,
Yo'qlayverar seni dono qizlaring.*

Durdona AZIMOVA,

Andijon tumanidagi 3-gimnaziya o'quvchisi

YAXSHILIK

*Yaxshilik qiling ko'p:
u savob ishdir,
Vaqt esa to'xtamay
shitob ketmishdir.
Umr ham yugurar uning ortidan,
Yashagan kunimiz endi o'tmishdir.*

*Yomonlik qilganga
ham bermang azob,
Yaxshilik bilan
siz qaytaring javob.
Shunda u tushunar va qiladi or,
Sizga-chi samodan yog'ilar savob.*

Umida MURODOVA,
Bo'stonliq tumanidagi
11-maktabning 7-sinf o'quvchisi

OYGULGA

*Oygu tongda turadi,
Hovlini supuradi.
Qarang, hovli birpasda
Bo'lar toza, orasta.*

*Tinib-tinchimaydi u,
Gullariga quyar suv.
Essa tonggi shamollar
Hidin taratar gullar.*

Zebuniso XUSHVAQTOVA,
Sirg'ali tumanidagi
305-ekolitsey maktabining 8-sinf
o'quvchisi

HAR BITTA

*Har bitta she'rimning
har misrasiga
Har bitta dardimni ulashdim.
Ikkita qo'limning barmoqlariga
Umudim g'unchasi ilashdi.*

*Har bitta yolg'onning sinovlariga
Qalbimning so'zidan jon oldim.
Ikkita ko'zimning qaroqlariga
Chiroyli tilakning nomini yozdim.*

*Har bitta daraxtning xazonlariga
Umr bergim kelar,
yashasin har on.
Bitta yuragimning bu dardlariga
Shodlik bag'ishlagin
o'zing, xudojon.*

Umida NURMYETOVA,
Yangibozor tumanidagi 10-litsey-
internatning 8-sinf o'quvchisi

*Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bir
cholning ikki nafar saxiy o'g'li bor ekan.
Ular saxiy bo'lish bilan birga mard ham
ekan. Bir kuni chol o'g'illarini
sinamoqchi bo'libdi. Ularga birtalay
ishlar buyurib:
— Qani, o'g'illarim, ikkalangiz ham*

*yiqilibdi. Lekin, ukasi sherning naq
yuragiga xanjar sanchishga ulguribdi.
Sherning yuragidan qon otilib chiqsa-
da, u hamlasini davom ettiribdi. Lekin
ko'p o'tmay kuchsizlanib yiqilibdi. Akasi
o'rnidan turgach, ukasi sherning
terisidan bir parcha kesib olib,*

AKA-UKALAR
Ertak

*mana shu ishlarni toza va ozoda
bajaringlar, — debdi. Cholning o'g'illari,
xo'p bo'ladi, deb javob qaytarishibdi-
da, buyurilgan yumushni bajarishibdi.
Ular ishni ozoda qilib bajarganidan
so'ng chol o'g'illariga yana bir shartni
aytibdi. O'g'illari bu shartni ham
bajarishga kirishibdi. Shart shunday
ekan: "O'g'illarim, sizlar mana shu
o'rmonni aylanib kelishlaringiz kerak".
O'g'illar "xo'p" deyishib, yo'lga
tushishibdi. Yo'lida ular bahaybat sherni
uchratishibdi. Sher ularni yemoqchi
bo'lib, yigitlarga tashlanibdi. Yigitlarning
kattasi sherning dastlabki zarbidan*

*kamariga bog'lab qo'yibdi. Aka-ukalar
yo'lida davom etishibdi. Ko'p yurmay
endi yigitlarga bo'ri duch kelibdi. U
yirtqich hayvon bilan akasi jang qilib,
uni o'ldiribdi. Bu hayvondan ham
nishona olishgach, yigitlar uyiga eson-
omon qaytib borishibdi. Ota o'g'illaridan
yo'lidagi sarguzashtlarini eshitib, ularning
mardligidan, hamjihatligidan mamnun
bo'lib, farzandlarining kelgusi hayotidan
ko'ngli to'q ekanligini bildiribdi.*

Ahror ERNAZAROV,
Nurobod tumanidagi 64-maktabning
4-sinf o'quvchisi

**VATANNI ONAJON
KO'RDIM**

*Mayin shamol sekin esganda,
Go'zallikning zarin sochganda,
Majnuntolning sochin o'rganda,
Majnuntolda ko'rdim, Vatanni.*

*Oy nuri ham yerga tushganda,
Kumush nuri yuzga tushganda,
Jamolini ko'z-ko'z qilganda,
Oy yuzida ko'rdim, Vatanni.*

*Ko'kda bulut, yomg'ir yoqqanda,
Suv shildirab mayin oqqanda,
Qo'shiqlari dilga yoqqanda,
Men anhorda ko'rdim, Vatanni.*

*Oq kabutar baland uchganda,
Baland uchib ko'kni quchganda,
Qanotlari erkin suzganda,
Men osmonda ko'rdim, Vatanni.*

Anora QARSHIBOYEVA,
Jizzax tumanidagi Y.Norbekov
nomidagi maktabning 9-sinf
o'quvchisi

*Azizam,
Ona,
nechun,
Bugun ko'zlarimga
yana ko'rdim yosh,
Taqdir zarbalarin
yengishga bugun,
Yetmasmu senda ozgina
bardosh?
Sabr qil Onajon,
Yig'lamagin hech,
Xizimating qilaman,
Albat erta-kech.
Hozircha sabr qil,
Ozgina fursat,
Ulg'ayib olayin,
Qilgin sen toqat.
Bilaman o'tadi bir necha yillar,
Derazam oldida o'rik
ham gullar,
Shunda yetib kelar
sen kutgan kunlar,
Poyingga sochgum men
anvoyi gullar.*

Nodira MAJIDOVA,
Yunusobod tumanidagi
70-maktabning 4-sinf o'quvchisi

USTOZIMGA

*Maktab ostonasida
mening ilk kunim,
Hayajondan titrardi
qo'limda gulim.
Kimningdir shirin so'ziga
tashna bu dilim,
Menga go'zal tabassum
hadya etgan kim?*

*Sochlari tim qora munisa ayol,
— "Maktab yoqdimi?"
— deb so'rardi savol.
Nahotki ilk ustoz mana shu ayol?
Dilimni chulg'aydi
ming bitta xayol.*

*Qo'limga ilk bora
tutqazgan qalam,
Alifbo o'rgatgan
qadam-ma qadam.
Yod etgayman sizni
o'lguncha har dam,
Ustozim — siz mening
ikkinchi Onam.*

*Bugun yana turibman
dilda hayajon,
Siz bilan xo'shlashay
qanday Onajon?
Ko'zlarimiz to'qnashib
ketsa nogahon,
Yig'idan o'zimiz to'xtatish gumon.*

**ORZU VA
IMKON**

*Bu dunyoning borlig'i,
Shaydolikdir, do'stlarim.
Yosh qalblarda orzu ham
Havas ko'pdir, do'stlarim.*

*Kindir olim bo'lmoqchi,
Yana kimdir shoir.
Orzuga yetmoq uchun,
O'qishdan tolmang sira.*

*O'qimoq uchun keng yo'l,
Ochib berdi yurtboshim.
Buyuk ajdodlar ruhi,
Bo'lsin doim yo'ldoshim.*

Xusnidaxon RUSTAMOVA,
Farg'ona tumanidagi
51-maktabning 7-sinf o'quvchisi

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

— Матёкуб ака, бир нарсани сўрасам, — деб қолди шу пайт Эркин ака Воҳидов ва ҳамма элдан бурун илжая бошлади, — айтингчи, домла, кўзингиз сал-пал хиралашган бўлсаям "йигитлар"ни яхши кўра оласиз. Аммо қизларимизга келганда кўзингиз ўтмайроқ қолади. Сабаби борми?

Ана кулги-мана кулги бўлиб кетди.

— Ҳамма вақт шунақа ўтадимиз машғуллар? А, эркинлик бу ерда экан-ку! — деб қизгин шипшиди Менгзиё.

— Ҳозир-ҳозир. Жиддий гаплар ҳам бўлади, — деб шивирладим мен ҳам. — Омухта бўп кетади-да.

— Ҳа-а. Онгинг бўлса — англаб ол!

— Худди шундай.

Домла ҳам кулгидан тўхтагач, бошларини орқа томондан сийпаб кўйдилар-да:

— Бир киши ҳақида сўзлайман, — дедилар. — Москвада — академияда ўқиб юрган вақтимизда Сер-

— Ҳа. Лекин, бир-биримиздан узоқлашиб кетолмаймиз, албатта. Бир кемага тушган одамлармиз... Хўш, менда бир таклиф бор эди, — дея яна кўзгалиб давом этдилар домла. — Мана, ўзларинг жуда яхши биласизларки, Адабиёт ҳақида гаплашамиз, тортишамиз, фикр-мулоҳаза юритамиз... Азбаройи, шунинг учун тўпланамиз... Мана, сизлар — юқори курс тингловчилари ҳам эринмасдан келиб ўтирасизлар... Раҳмат сизларга. Демокчиманки, бугунги гурунгимиз —

Адабиётнинг пайдо бўлиши, унинг вазибалари, хўш-ш, нима зарурат туфайли бу магнит, бу жозиба, бу мўъжиза пайдо бўлди экан? Унинг пайдо бўлганига тахминан беш минг йил тўлди, дейилади илмда. Платон ҳам шу фикрда. "Поэтика" асарида буни ўзича исботлаб ҳам берган...

— Қанақа асарида? — сўраб қолди Маҳкамжон.

— "Поэтика". Ҳасанбой, шу ерданми?.. А, йўқ эканларми? Майли. Аммо шу асарни ўзбекчага ағдарилса, фойдадан холи бўлмасди. Озоднинг Белинскийдан, Добролю-

— Керак, керак! — Менгзиёнинг ҳам шу сўзни такрорлаётганини сезиб қолиб, ўзим ҳам кўшилдим:

— Керак. Эшитамиз, домла!

— Аслида-ку, бу мавзу — Адабиёт назариясидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг темаси. Адабиёт тарихидан дарс ўтадиган Фулом Каримов ҳам бу теманинг мутасаддисиди, дейиш мумкин... Лекин, кузатишимча, хўш, улар билан мулоқотларим натижасида кўрдим ва билдимки, кўпларининг бу борадаги илми — анчагина юзаки экан. Ҳатто бу тўғрида негацир ўйлаб ҳам кўришмаганлар...

Домла столчасининг олдида чиқиб, жўнгина бир масала ҳақида сўзлайдигандек хотиржамгина туриб олиб, бир маромда гап бошлади:

— Платон, ҳам, ўзимизча, Афлотун ўзининг "Поэтика"сида, мана шунунинишмича, учта омилга боғлайди Санъатнинг пайдо бўлишини, яъни учта омилдан келиб чиқади. Маълумки, Адабиёт ҳам Санъатнинг бир туридир. — Шунда Матёкуб ака кулимсираб, чекиниш қилди: — Бизда у — одат бўлиб

— Мени хурсанд қилган нарса шу бўлдики, Матёкуб ака, — деди Норбой Худойбергенов домлага қиялаб қараб, — ўша олис аждоғларимиз — ибтидоий одамлар ҳам Санъатнинг, шу жумладан, Адабиётнинг тарбиявий аҳамиятини тушунар экан. Тўғри-да, ўзлари ёй отиб овлаб юрган ҳайвонларининг расмини деворларда кўргандан кейин уларга нисбатан меҳри-муҳаббати ошиб кетади-да. Тўғри, илгариям уларнинг подаларини кўрганда завқланишган бўлишлари мумкин...

— "Мумкин"га бало борми? "Завқланишган" денг, — деди Маҳмуд Саъдий. — Завқланмаганда ўша расмни чизмас ҳам эди!

— Бу фикрга мен тўла кўшиламан, — деб хитоб қилди Маҳкамжон ҳам. — Лекин бу ерда ибтидоий одамнинг Санъатга қарши билан Платоннинг қарашлари аралаштирилиб юборилган, назаримда... Нима дедингиз, домла Кўшжонов?

— Саннинг ҳам фикринг тўғри, — деди Матёкуб ака тагин жилмайиб. — Ибтидоий одам бу ишларни беихтиёр қилган...

Шукр ХОЛМИРЗАЕВ

— Демак, беихтиёр, — деб кўйди Менгзиё.

— Аммо, — дея давом этди домла, — тескаричи-буржуа идеологларидан қолишмайдиган уруш таърифдорлари бу кашфиётни ўз мақсадларига бўйсундирдилар... Мавзудан яна салгина чалғидигу, битта фактни кўшимча қилмоқчиман. Ҳозирги рус адабиётида ҳаёт ҳақиқатини кўркмасдан айтиб чиқаётган Евтушенко, Вознесенский каби шоирлар Сахаровнинг уйда тез-тез бўлиб туришар экан. Кекса академикни хурмат қилишар экан... Лекин Сахаров ҳам ўзимизнинг ҳалигидай генералларимиздан ҳам, баъзи бир идеологларимиздан ҳам хафа эканлар...

— Домла, ўзимиз ҳам сиёсатга аралашиб кетаямиз шекилли, — деб қолди шунда Иброҳим Фафуров. — Мавзудан ҳам барибир узоқлашавомиз. Илтимос, Адабиётнинг кейинги эволюцияси ҳақидаям ўз фикрларингизни билдирсангиз...

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

гей Сергеевич Қатташ деган бир олтойлик киши бўларди. Олтой туркларининг фольклоридан кандидатлик ёқлади уям. Ана шу Қатташ билан ўтириб турардик. Даврада тамадалиқ қилишни яхши кўрарди. Ўрисча гапирарди, албатта. Лекин гапини "нукерларим", яъни "навкарларим", деб бошлар эди. Даврада хотин-қизлар бўлсаям шундай дер эди. Сўраганимиз-да кейин: "Нега ҳаммани сен "навкар" деб атайсан?" деб.

— Ҳатто хотин-қизларни ҳам-а?

— Ҳа-да... У бечора қийналиб тушунтирган эди. Маъноси шулки, қадимги олтойлик турклар учун барча халқ, ҳамма... потенциал "аскар" ҳисобланаркан.

— Во, — дея энтиқиб кетди Менгзиё. — Мен эшитмаган эдим. Бўлмасам, Гумилонинг "Древие тюрки" китобини ҳам...

— Жим-жим.

Илло, зал ҳам жимиб қолган эди. Орқа қатордан биров баланд овозда:

— Ана ўша одамники тўғри! — деб бақирди. Қарасак, факультетда энг тўғриси, мард ва чалани, деб танилган шоир Анвар Эшонов экан. — Лекин, нимага у олимнинг фамилияси унақа? Отаси ўрис ўтганми? — деб сўради кейин.

— Йўғ-э, — дея алланечук ийманиб жавоб берди домла Кўшжонов. — Умуман, олтойлик туркларда русча номлар кўп экан. Дини ҳам... христианлашган. Лекин Қатташ — шаманликни тан оларди. Худони Тенгри деб атарди. Шу — тўғри... Қатташ деганиям — қатқат тош дегани экан. Умуман, уларда арабча, форсча сўзлар йўқ ҳисоб... Зато, ўрисча сўзлар кўп экан... Хўш, йигитлар, навкарларим, ман ҳозир айтишим керакки, бу — охириг машғулотиимиз бўлади. Эркинвой, насиб этгани шу бўлди.

— Яна умидворимиз Тангридан, — деди Эркин ака.

боддан ҳам қилган таржималари қанчалик фойдали бўлаётир...

— Мен, мен ўзим таржима қиламан! — деди Маҳкам.

— Муваффақият тилайман... Хўш, манаги таклифим маъқулми? Сўхбатимиз темаси атрофида гаплашасак... — Домла бирдан жимиб-хаёлланиб қолди. Бу ёқдан "Маъқул! Айни муддао!" деган хитоблар эшитиларкан, Менгзиё менга бақрайганича:

— Бу одам — вали, — деб шивирлади.

Мен кулимсирадим. Шунда домла бошини кўтариб:

— Биласизларми гап нимада, — деди савол тариқасида ва давом этиб кетди: — Гап шундаки, йигитлар... қизлар, менинг сизларга, хусусан, юқори курсларда ўқиган лекцияларимнинг барчаси матбуотда эълон бўлган. Ўзи, менинг принципим шу: ўқитувчи ўқиган маърузалари шунчаки лекторларнинг ташвиқотидек бўлиб қолмаслиги учун уни матбуотда, албатта, эълон қилдириши лозим. Токи, бошқа адабиёт ихлосмандлари ҳам бундан баҳраманд бўлсинлар...

— Афсуски, кўпчилик домлалар шу ишни қилишмайди, — деб луқма ташлади Норбой ака.

— Ҳа, рост, — деб бош ирғади домла Кўшжонов. — Шунинг учун ўқилажак лекцияларимни матбуотда эълон қилишимга қаршилиқ қиладиган ўртоқлар ҳам бор.

— Фаши келади-да, фаши!

— Норбой-ой!

— Кечирасиз, мен тўғри гапни гапирдим.

— Хўп. Гапинг... ўроқдан ҳам тўғри. — Домла жилмайганча яна давом этди: — Шунинг учун кўпдан бери Адабиётнинг пайдо бўлиш жараёнлари ҳақида би-ир сўхбат қуришни ўйлаб юрардим. Ахир, одам еб турган нонининг нон бўлгунча ўтган жараёнларидан ҳам жиндак хабардор бўлиши керак-ку?

қолган. "Адабиёт ва санъат" деймиз. "Адабиёт ва санъат декадаси" деймиз. Адабиётни устунроқ кўямиз... Ҳа, майли. Бунинг принципл аҳамияти йўқ. Хуллас, Платон айтадики, "Санъат табиатга — борлиққа тақлиддан пайдо бўлди", дейди. Яъни, ибтидоий одамлар яшаб турган ғорларининг деворларига ўзлари овлайдиган ҳар хил ҳайвонларнинг суратини чиза бошлайди. Ўша қабиладан бошқа бир одам эса, дейлик, сойнинг — сувнинг жилдирашига ўхшатиб куй хиргойи қилади. Яна бошқа бирови ўтган овнинг тафсилотлари ҳақида жуда-а кўпиртириб ҳикоя айтаятир... Бу ҳолатлар Платоннинг Биринчи даввоси ҳисобланади, демак. Иккинчи даввоси шундан иборатки, ўша расмни чизган одам ҳам, хиргойи қилган одам ҳам ушбу ҳаракатларидан, дейлик, ижодларидан завқ олишади... Бу даввога шак келтириб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам ижод жараёнидан, унинг натижасидан ҳам ижодкорнинг завқ олиши табиий. У завқ олмас, ўз ишидан қаноатланмас, бу ишни қилмайди...

— Тушунарли, домла, — Эркин аканинг тўқус айтган бу гапи, фаҳимча, кўпчиликнинг ҳам фикри эдики, у ер-бу ердан эшитилган калта-култа хитоблар ҳам буни тасдиқлади.

— Хўш, тушунарли бўлса, Санъатнинг пайдо бўлишига учинчи омил бу — унинг тарбиявий аҳамиятга молик эканидир, дейди Платон... — Ниҳоят, домла энгил торган каби баҳузур жилмайди. — Бу омилни шарҳлашимга эҳтиёж бўлмас керак.

— Раҳмат, домла! Тушунарли бўлди! — деб бақириб кўйди Анвар Эшонов.

— Мен фикр билдирайми? — дея Норбой ака ўрнидан турди.

— Гапимиз ҳали тугамади-ю, лекин бемалол, — деб жойига ўтиб ўтирди домла.

— Ўша бечоралардаям кўнгил бор экан-да, а, домла? — деди Эркин ака ва қийғос кулги кўтарилди.

— Матёкуб ака, — деб оғир мурожаат қилди кулги тўхтагач Иброҳим Фафуров. — Сиз давом этсангиз... Ҳозир биз "алифбо"дамыз, хато қилмасам...

— Барибир-барибир, — дея домла ўрнидан турди. — Санъатнинг табиатию унинг энг муҳим функциясини Платон тўғри-асосли равишда кўрсатиб берган экан, деб ҳисоблашимиз мумкин... Ўртоқлар, ҳозирги вақтда, хўш-ш, Платон яшаган даврдан икки минг йиллар ўтиб денг, Адабиётнинг ўша — тарбиявий аҳамиятини инкор этувчилар ҳам чиқаётгани маълум. Айниқса, капиталистик мамлакатларда... Аммо бу гаплар бари — фикция... Адабиётни сиёсатнинг қуролига айланаётганини шунчаки хаспўшлашдир...

— Афсуски, ўзимиздаям шундай, — деб минғирлади олдинги қатор четида ёлғиз ўзи ўтирган Талъат Солиҳов. У киши факультетда чет эл адабиётининг жуда яхши билимдони, деб танилган тўртинчи курс талабаси эди.

— Қайси маънода? — Норбой аканинг бирдангина чарсиллаб берган саволига жавобан домланинг ўзлари:

— Секин... Манимча, буни ўзинг ҳам яхши биласан, — дедилар зарда билан. Сўнгра қандайдир кўтарилиб-шишиниб: — Кўряпсизларми, йигитлар, жуда олижаноб мақсад йўлида туғилган Санъат кейинчалик не-не хизматларга бошқарилмас экан, — деди. — Масалан, буни водород бомбасининг туғилишига қийслаш мумкин. Бомбанинг, хўш, дояси академик Сахаров эди. Биласизлар. Узр, водороднинг қандайдир парчаланиб, кучли реакцияга киришини кашф этган, ҳа-ҳа... Манинг билганим шулки, у киши яхши ниятда бу илмий кашфиётни қилган...

— Раҳмат, Ибрагимжон. Ўзимам ҳозир сиз айтган йўриғда фикрларимни баён қилмоқчийдим... Тагин такрор айтаман, ўртоқлар, бу соҳадаям ман — делитантман... Эркин, "мулла билганини ўқийди", деганларидек, айрим кузатишларимни айтиб бераман. Хўш-ш, ўша Афлотун даврида адабий жанрлардан фақат трагедия ва шеърят ривожланган эди. Хадича Сулаймонова дарс бераётган хориз адабиёти тарихидан сизларга маълумки, ҳатто илмий фаразлар, трактатлар ҳам шеърда ёзилган... Кейин, назаримда, мас-ал жанри яхши тараққий этган. Эзопни эсланглар. — Домла бир сония сукут сақлаб, туюқсин Норбой акага тикилиб қолди.

— Нима, "Зарбулмасал" эсингизга тушдими? — деб сўради Норбой ака.

— Ҳа, — деди Матёкуб ака ва овози ўзгармасдан давом этди: — Масал жанри ўзимиздаям қадимдан бўлган... Гулханий ҳам Эзоппи ўқиб, масал ёзишни ўрганган эмас. Лекин реалистик проза асримизнинг бошларида пайдо бўлди. Унгача биз, бу — ўзимизни камситишмас албатта, Абдулла Қодирий айтганидек "эртак ва дostonлар" ўқиб-эшитиб юрган халқ эдик. Тўғри, бу — мақтаниш ҳаммас, дostonчиликда бизнинг меросимиз ҳадсиз-ҳисобсиздир. Биргина "Гўрўғли" туркумидаги дostonлар сони қирқдан ошади. Ҳолбуки, ўтган XIX асрдагина рус фольклорида биттагина дoston борлиги маълум бўлди. "Слово о полку Игореве". Шунинг ҳам оригиналлиги — мунозарали масала...

— Переплицинага шунақа десам, "Заранее тебе двойка поставлю" деди! — дея яна ҳайкириб кўйди Маҳкам.

— Нима қилсин бечора, кўзига суртгани шу-да, — деди Маҳмуд Саъдий.

(Давоми бор.)

Учлик концепцияси

ёхуд Қоҳира конференциясининг Фаолият Дастури нима?

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, унинг дунё ҳамжамияти билан интеграциялашуви жараёни кучайгандан кучайди. 1992 йилда БМТ сафига аъзо бўлиб кирган республикамиз тенглар ичра тенг давлат сифатида жаҳон сахнида рўй бераётган жараёнларга дадил иштирок этиш, тақлиф-мулоҳазаларини билдириш, муҳим қарорлар қабул қилишда ўз овози билан қатнашиш ва тегишли мажбуриятларни бажариш бўйича зиммасига ҳуқуқ ва мажбурият олиш имконига эга бўлди.

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси 1994 йил 5-13 сентябрда Миср Arab Respublikasi пойтахти Қоҳирада Аҳолишунослик ва Ривожланish бўйича халқаро анжумани ўтказди. Унда дунёнинг 179 давлатдан вакиллар иштирок этди. Жумладан, конференцияда давлатимиз номидан ҳам вакиллар қатнашган ва шу тарихда республикамиз анжуманининг Фаолият Дастурини бажариш мажбуриятини зиммасига олган.

Инсоният келажигининг фаровонлашувига хизмат қиладиган мазкур Фаолият Дастури куйидаги устувор йўналишлардан таркиб топган:

— Репродуктив саломатлик соҳасида аёлларга кенг танлаш имкониятини бериш ва бу масалаларга эркакларни жалб қилиш, уларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашиш;

— Аёллар ва қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган қонунларни ва сиёсатни йўлга қўйиш;

— Оилани режалаштириш бўйича туғилиш даражасини камайтиришга кўмак берадиган эҳтиёжларни қондириш;

— Замонавий иқтисодийда иштирок этиш учун аёлларга кўпроқ имконият бериш;

— Жинсга алоқадор таъйиқ ўтказишни йўқ қилиш;

— Ўғил болалар ва қиз болаларнинг умумий таълим олишида тенг имконият яратиш бериш;

— Инсон иммунитетининг вирусини ҳамда жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар тарқалишининг олдини олиш;

— Репродуктив саломатлик хизматларига бирламчи соғлиқни сақлаш асослари сифатида кенг йўл очил;

— Яхши репродуктив саломатлик камбағаллик даражасини камайтиришга кўмак берувчи омил эканини тан олиш;

— Ривожланиш режаларига аҳолишунослик вазибаларини ҳам киритиш.

Мулоҳаза қилиб кўрилса, Аҳолишунослик ва Ривожланиш бўйича Қоҳира халқаро анжуманининг Фаолият Дастурида асосан уч омил: САЛОМАТЛИК, ҲУҚУҚ ва ТАЪЛИМ хусусида гап боради. Инсон ҳаётининг фаровонлашуви мазкур учликка ҳар томонлама боғлиқ. Бошқача айтганда, маданий кун кўришни зарур омил, тараққиётга хизм қилувчи беназир восита, асосан, шу уч ҳикмат замирида мурасам.

Мажбурият қандай адо этиляпти?

Албатта, у ёки бу вазиятни баҳолаш, қилинган ишлар сарҳисобида муайян мезонларга суяниб иш кўрилади. Аҳолишунослик ва Ривожланиш бўйича Қоҳира халқаро анжуманининг Фаолият Дастурини бажариш йигирма йилга мўлжалланган эди. Ва буни қарангки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида эълон қилинган ҳужжатнинг қабул қилинганига ҳам ўн йил бўлибди. Тарих олдида тарикдек келадиган бу муҳлат аслида мажбуриятни бажариш лозим бўлган давлатлар учун имкониятнинг тенг ярими демакдир.

Бинобарин ўтган ўн йил Аҳолишунослик ва Ривожланиш бўйича Қоҳира халқаро анжуманининг Фаолият Дастурини бажариш юзасидан бир қатор ҳақли саволларга жавоб бериш фурсати етилганини ҳам таъкидлаётимиз.

— Ҳўш, Ўзбекистон ҳукумати юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш учун нималарни амалга оширди? Мамлакатда яна нималар қилиниши керак?

— Эрак ва аёлларнинг репродуктив саломатлиги бўйича сифатли хизмат кўрсатишга қандай эътибор берилди?

— Кишилар, айниқса вояга етган ва ёшлар ўзларининг репродуктив саломатлиги ва репродуктив ҳуқуқларини қай даражада библишади?

— Ҳамма болалар ва қизлар мактабда ўқийдими ва уларнинг ҳаммаси бошланғич таълимни олишади?

— Камбағалликнинг олдини олиш учун ҳукумат томонидан, қандай ишлар амалга оширилди?

— Жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар ҳамда инсон иммунитетининг вирусидан ҳимоялашни кишилар библишади?

— Болани дунёга келтириш қай даражада хавфсиздир? Бугунги кунда ҳали ҳам болани дунёга келтириш хавфлими?

— Аёлларнинг ҳолати яхшиландими?

— Ота-оналар ўғил бола кўришни афзал кўришади ёки қиз бола кўришни? Нима учун?

— Жуфтликлар ўз оилаларини режалаштиришади ёки нима рўй беришидан қатъий назар буни Оллоҳнинг истаги деб библишади?

Бу каби саволлар бугун БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси томонидан кун тартибига қўйилмоқда. Эътироф этиш лозим, юқоридагиларнинг айримларини юртимиз мисолида кўриб чиқишнинг мутлақо зарурати йўқ. Айтайлик, "Ҳамма болалар ва қизлар мактабда ўқийдими ва уларнинг ҳаммаси бошланғич таълимни олишади?" қабилдаги саволлар биз-

"Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида"ги фармони республикада шошилинч тиббий ёрдам хизматининг яхлит тизимини вужудга келтириш ҳамда уни юксак жаҳон талабларига жавоб берадиган тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, соҳани малакали врачлар билан таъминлаш имконини берди.

Айни пайтда мамлакатимизда "03" русумли "Тез ёрдам" хизмати, тиббий авиация ҳамда турли хил фавқулодда вазиятлар, табиий офатлар шароитида аҳолига тезкор тиббий ёрдам кўрсатувчи бригадаларнинг барчасини ўз ичига олган Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг яхлит тизимини вужудга келди. Бу тизимда турли йўналишлар бўйича 40 минг нафардан ортиқ ходим меҳнат қилмоқда. Улардан 1700 нафарини олий малакали врачлар ва 20 минг нафардан кўпини тиббиёт ҳамширалари ташкил этади. Соҳанинг 8000 ўринли стационарида ҳар йили 500 минг нафардан ортиқ бемор шифо топмоқда.

"Соғлом авлод", "Она ва бола" давлат дастурлари доирасида шаҳар ва туманлар марказларида янги туғруқхоналар, ихтисослашган болалар шифохоналари, марказий касалхоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, "Она ва бола" скрининг марказлари ишга туширилди.

Оналар хасталанишининг

11-iyul — Xalqaro Aholishunoslik kuni

муаммага айланиши мумкин бўлган юз минглаб куч-ғайратга тўлган ёшларни ишсизлик ва ўзига ишонсизлик болосидан қутқаради.

Сўнги йилларда барпо этилаётган замонавий академик лицейлар, касбухона коллежлари, ўрта таълим мактаби бинолари ёшларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмай таълим олишига шароит туғдирмоқда.

Юртбошимиз томонидан 2004-йил 21 майда имзоланган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларга янги қувват бағишлаётир. Мазкур ҳужжатда умумий мактабларни капитал реконструкция қилиш бораборида уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси,



соғлом болаларнинг туғилиши ва тарбияланишини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг аҳамияти борасида кенг тарғибот ишлари кучайтирилди.

Мамлакатимиз оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида олиб бораётган изчил сиёсати учун Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг махсус муқофотиغا сазовор деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорининг изчил бажарилиши аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг маълумотларига кўра, шу йилнинг олти ойи давомида мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, оилалардаги барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Республикада оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари камайиб, аёлларнинг туғруқ ёши таркибининг яхшиланиши кузатилди. Туғиш ёшидаги аёлларнинг 81 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди, экстрагенитал касаллиги мавжуд аёллар соғломлаштирилди.

Оилаларни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида ажралишлар, никоҳ ёшини қисқартириш ҳолатлари камайди. 72 минг 489 нафар аёл иш билан таъминланди.

Кам таъминланган оилалар, етим болалар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасида ноғиронлар, боқувчисиз қолган фуқаролар, ота-онасидан жудо бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Мазкур тоифадагиларнинг 2 миллион 336 минг нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Республикамизнинг барча вилоятларида оилаларга ҳуқуқий, маънавий, тиббий йўналишларда маслаҳатлар бериш, буниг учун ҳар қили тиббий-ижтимоий патронаж гуруҳлари томонидан оилаларда бўлиш ва кишиларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари йўлга қўйилди.

Бир сўз билан айтганда, республикамизда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси борасида изчил сиёсат амалга оширилмоқда. Аҳолишунослик ва Ривожланиш бўйича Қоҳира халқаро анжумани Фаолият Дастурига мос равишда аёлларнинг замонавий иқтисодийда, умуман ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун мамлакатда кенг имконият яратилган.

Сўнги сўз ўрнида

Аҳолишунослик ва Ривожланиш бўйича Қоҳира халқаро анжумани Фаолият Дастурида белгиланган мажбуриятларнинг мамлакатимиздаги ихроси хусусида битта мақола кўламида батафсил тўхталиб ўтишниг имкони йўқ. Бироқ унда қўтарилган эзгу ниятларнинг ижобати борасида ихчам хулосалар чиқариш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда оналик ва болаликни, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Аммо юқорида номлари зикр этилган масалалар юзасидан, жумладан, репродуктив саломатлик, оилада тиббий маданиятни ошириш, гиёҳвандликка қарши кураш борасида аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кучайтириш, инсон иммунитетининг мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори жамиятда тиббий маданиятни юксалишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса аҳоли ўртасида репродуктив саломатлиги, ёшлар ва оилаларнинг тиббий маданияти,

ЖАМИЯТ МУВОЗАНАТИНИНГ УЧ АСОСИЙ ОМИЛИ

Аҳолишунослик ва Ривожланиш бўйича Қоҳира халқаро анжуманининг ўн йиллиги олдида

нинг шароитида биров эриш туюлиши табиий. Негаки, Ўзбекистон ўзининг илмий-маънавий салоҳияти жиҳатидан дунёдаги анча-мунча давлатлардан устун экани, мамлакатдаги умумий саводхонлик даражаси юқорилиги сир эмас.

Жаҳон тажрибасидаги янгилик

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий жамиятни барпо этишда ва юртингда букилган қақддини кўтаришда шубҳасиз, маънан етук ва жисмонан баркамол авлодга таяниш иш кўриш мақбуллигига истиқлолнинг илк кунлариданоқ ишонч ҳосил қилинди. Зотан, руҳи тетик, товонидан ўт қачнаган авлодгина эл қорига ярайди, миллат қалбидаги асрий жароҳатларга малҳам кўя олади.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ташкил қилиниб, биринчи ва иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени таъсис этилди. Миллатни яшартириш йўлидаги бундай саъй-ҳаракат, айниқса соғлом авлодни тарбиялаб, камолга етказиш йўлидаги заҳматлари учун фойдойи инсонларни "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирлаш дунё тажрибасида ҳали учрамаган ноёб ҳодисадир.

Мамлакатимизда ҳар бир йилни алоҳида бир ном билан аташ ва шу йўналишда пухта дастур ишлаб чиқиб, уни амалиётга татбиқ этиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Эзгу ниятлар билан "Инсон манфаатлари йили", "Оила йили", "Аёллар йили", "Соғлом авлод йили", "Она ва бола йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Меҳр ва мурувват йили" деб номланган йилларда аждодлар орзу қилган фозил ва мукамал жамият куриш йўлида бир талай хайрли ишлар, давлат миқёсидаги тадбирлар амалга оширилди ва жараён узлуксиз давом этмоқда.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза этишнинг ниҳоятда синалган ва самарали услубларидан бири, шубҳасиз, шошилинч тиббий ёрдам хизматидадир. Маълумотларга кўра, ҳар йили мамлакатимизда 5 миллиондан кўпоқ киши (ҳар беш кишидан биттаси) мазкур тизимдан турли даражада кўмак олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда имзолаган

олдини олиш, турли хил туғма нуқсонлар билан дунёга келган чақалоқларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида она ва бола шифо маскани — Республика Перинатал марказининг фойдаланишга топширилиши ҳам "Соғлом авлод" дастури доирасида амалга оширилди.

Ўз навбатида Республика Репродуктив саломатлик марказининг ташкил этилиши янгилик бўлди. Айни пайтда марказнинг жўллардаги саккиз филиали аҳоли ўртасида аёллар ва ўсмирлар репродуктив саломатлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш устида иш олиб бормоқда. Шунингдек, мамлакатимизнинг шаҳар ва туман марказларида иш бошлаган Ўсмирлар репродуктив ўқув-услубий даволаш марказлари, махсус ахборот, ўқув-услубий қўлланма хоналари ҳам айнан Аҳолишунослик ва Ривожланиш бўйича Қоҳира халқаро анжумани Фаолият Дастурига тўла мос келади.

Таълимдаги ноу-хау

«Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етук шахсгина иқтисодий эркин бўлиши, демократик ва туб иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин.»

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

Инсон илм-маърифат билан ўзини англайди. Шу маънода, илм — ўзини билмакдир, деган ҳикмат бежиз дунёга келмаган. 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг тасдиқланиши мамлакатимиз илм-фани ва таълим тизимида янги даврни бошлаб берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эса ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги, барча энг янги, таррақий этган давлатлар таълим андозаларини мужассам эътиборда пухта ўйлаб тузилган дастур сифатида жаҳон ҳамжамиятида ҳам тан олинди.

Дастур таълимнинг узлуксизлигини таъминлашни, жамиятни малакали миллий кадрлар билан бойитишни кўзда тутди. Энг муҳими, давлатимиз учун ижтимоий



9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тиббиёт соҳасига қизиқадиган, келажакда шифокор бўлиб, эл-юрт саломатлиги йўлида хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, барча тиббиёт Олий ўқув юртлирининг **даволаш иши, стоматология, педиатрия иши, тиббий профилактика иши** ёки **биология, кимё соҳасининг мукамал билимдони ҳамда доришунос** мутахассисликлари бўйича, кимё, биология ҳамда она тили ва адабиёт фанларидан тест синовлари топшириладиган олий ўқув юртида ўқишни давом эттиришни **истаган барча 9-синф битирувчиларини**



**Тошкент Педиатрия
Тиббиёт институти
қошидаги академик
лицейига**

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- академик лицей директори номига ариза;
- 9-синфни битирганлиги ҳақида шаходатнома (асл нусхаси);
- туғилганлик ҳақида гувоҳнома (нусхаси);
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- турар жойидан маълумотнома;
- 3x4 ёки 4x6 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
- ҳудудий касб-ҳунарга йўналтирилган психологик-педагогик таъхис марказининг тавсияномаси;

ҳужжатларни қабул қилиш 31 июлгача давом этади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Ж.Обидова кўчаси 223-уй.

Телефон: 63-98-54, факс 162-00-73.

Транспортлар: 19, 115, 129 автобусларнинг «Академик лицей» бекати, 83, 96 автобуслар, 6, 49, 485-йўналиш маршрутларининг «ТошПТИ» (САМПИ) бекати.

**Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика
институти 2004-2005 ўқув йили учун
абитуриентлардан қуйидаги мутахассисликлар
бўйича ҳужжатларни қабул қилишини**

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бакалаврият йўналиши бўйича кундузги ўқув бўлимига: математика ва информатика; физика ва астрономия; химия ва экология; биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги; география ва иқтисодий билим асослари; тарих; чизмачилик ва муҳандислик графикаси; педагогика ва психология; касбий таълим; мусиқа таълими; ўзбек тили ва адабиёти; қорақалпоқ тили ва адабиёти; рус тили ва адабиёти; қозоқ тили ва адабиёти; инглиз тили; миллий истиқлол ғояси ва ҳуқуқ; маънавият асослари; бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш; мактабгача таълим ва болалар спорти; жисмоний тарбия ва жисмоний маданият; меҳнат таълими мутахассисликлари бўйича.

Бакалаврият йўналиши бўйича махсус сиртки ўқув бўлимига: бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш; мактабгача таълим ва болалар спорти; чизмачилик ва муҳандислик графикаси; жисмоний тарбия ва жисмоний маданият; меҳнат таълими; мусиқа таълими мутахассисликлари бўйича.

Ҳужжатларни қабул қилиш шу йилнинг июнь ойининг 20-санасидан бошланиб, июль ойининг 20 санасигача давом этади.

Абитуриент қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширади:



— таълим йўналиши, таълим тили ва тури кўрсатилган ҳолда институт ректори номига ариза;

— маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатномаси ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисида диплом);

— 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома, асл нусхаси;

— Халқаро ҳамда Республика миқёсидаги олимпиадалар, танлов ва мусобақаларнинг ғолибларига танловсиз кириш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларнинг асл нусхаси;

— Муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, ҳарбий қисмларнинг йўлланмаси билан келган абитуриентларга тегишли тавсиянома;

Қўшимча маълумотларни қабул комиссиясига келиб олиш мумкин.

Манзилимиз: Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, 104-уй.

Қабул комиссиясининг телефони: 222-84-38

Факс: 222-95-48

e-mail: nmpi@online.ru

**Шаҳрисабз туризм маиший хизмат касб-ҳунар коллежи
2004—2005 ўқув йилида 9-синф битирувчиларини қуйидаги
йўналишлар бўйича ўқишга қабул эълон қилади**

| № | Йўналишлар номи | Бериладиган ихтисосликлар | Касби | 7 | 8 | 9 | 10 | | |
|---|--------------------|---|--|---------------------------------|----------------|------------|--|--|---|
| 1 | Туризм | Туристтик бюро кичик менежери Туристтик оператор Гид | Туристтик бюро ходими | Нон-булка, макарон маҳсулотлари | Қишлоқ хўжалик | Тикувчилик | Саноат корхоналари ва электр жиҳозлари | Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оператор Нон, булка маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оператор Макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оператор | Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича оператор Нон, булка маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича уста |
| 2 | Электрон ҳисоблаш | Компютер тармоқларини ўрнатувчи ЭХМ оператори ва компютер тармоқларини ишлатиш | ЭХМ ва компютер тармоқларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича уста | 8 | 9 | 10 | | Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ускуналар оператори Сабзавот ва меваларни ишлаш ва сақлаш | Сабзавот ва меваларни ишлаш ва сақлаш жиҳозларини таъмирлаш бўйича чилангар Қайта ишлаш машиналари бўйича уста |
| 3 | Фотография | Фотограф Ретушчи | Кенг ихтисосли фотограф Фотоллаборант | 9 | 10 | | | Кенг ассортиментдаги кийимлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш, бўйича тикувчи бичувчи Эркаклар ва аёллар кийимларини тикувчи-бичувчи | Тикувчилик ишлаб чиқариш устаси |
| 4 | Молия | Корхоналар бўйича молиячи Агросаноат мажмуаси бўйича молиячи | Молиячи Молия иқтисодчи | | | | | Электр жиҳозларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича электромонтёр | Саноат корхоналари электромеханик жиҳозлари ва ускуналарини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш бўйича уста |
| 5 | Бухгалтерия ҳисоби | Бюджет ташкилотлари бухгалтери Ўрта ва кичик корхоналар бухгалтери Агросаноат мажмуаси бухгалтери Ижтимоий муҳофаза бўйича бухгалтер-иқтисодчи | Бухгалтер | | | | | | |
| 6 | Бадий либос | Либос бўйича расом Дўппи ва миллий либослар тикувчиси Шойи ва атлас либослар тикувчиси | Миллий бадий либослар тайёрлаш бўйича уста | | | | | | |

Фотография ва саноат корхоналари электр жиҳозлари ва ускуналари бўйича лаборатория хоналари Корея давлати кредити асосида жиҳозланади ва унда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ишлари йўлга қўйилади.

Нон-булка, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш йўналишлари бўйича кичик цехлар билан Польша давлати томонидан ажратилган кредит ҳисобидан жиҳозланади ва бу йўналишларда ҳам маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотиш ишлари йўлга қўйилади.

Тикувчилик ишлаб чиқариш бўйича ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Коллежда 11-синф ҳажмидан ўрта махсус маълумотли мутахассисларни ҳам

худди шу йўналишлар бўйича тайёрлайди. Ушбу йўналишдаги мутахассислар контракт-шартнома тўлови асосида ўқитилади ва уларга ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом берилади.

Қабул ҳайъатига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

1. Коллеж директори номига ариза;
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (шаҳодатнома, аттестат);
3. Психологик-педагогик таъхис марказининг тавсияномаси;
4. Доимий яшаш жойидан маълумотнома;
5. 086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;
6. 3x4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
7. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан кўчирма.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Шаҳрисабз шаҳри, Низомий кўчаси, 47-уй. Тел.: 522-06-02, 522-05-64.

Шаҳрисабз туризм маиший хизмат касб-ҳунар коллежи биноси.

ОЛТИНЧИ ЎРИН:

САМАРҚАНДЛИКЛАР ШУ БИЛАН КИФОЯЛАНДИМИ?

Умумтаълим, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари республика босқичи якунланганидан ҳаммининг хабари бор.

Дастлаб мусобақанинг Самарқанд вилоят босқичи ҳақида тўхталамиз. Спортнинг 13 тури бўйича ўтказилган беллашувда умумжамоа ҳисобида Самарқанд шаҳри жамоаси биринчи, Ургут тумани жамоаси иккинчи, Пастдарғом тумани спортчилари учинчи ўринни эгаллагандилар. Шунингдек, Нуробод ва Пайариқ туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳри спортчилари ҳам яхши кўрсаткичларга эришгандилар. Аммо, айрим туманларда болалар спортга эътиборнинг пастлиги сабабли кўзланган натижага эришилмади. Нарпай, Булунгур, Иштихон туманлари вакиллари ўз имкониятларидан паст кўрсаткичга эришдилар. Нарпай тумани халқ таълими бўлими қошида 3 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатишига қарамадан, туман ёшлари фақат кўл тўпи мусобақасида иштирок этдилар.

Оқдарё тумани ёшлари футбол, Жомбой тумани энгил атлетика, Қўшработ тумани шахмат, Пастдарғом тумани энгил атлетика, Иштихон тумани футбол, Пайариқ тумани вакиллари эркин кураш ва энгил атлетика бўйича мусобақаларда қатнашдилар. Бу ҳанузгача айрим

туманларда иқтидорли ёшларни ўз имкониятларини рўёбга чиқаришларига шароит яратилмаганлигини кўрсатади.

Мусобақанинг республика босқичида вилоятимиз ёш спортчилари ўтган йилгига нисбатан анча фаол қатнашдилар. Ушбу босқичда спортчи ёшларимиз муваффақиятли иштирокини таъминлаш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси ўқувчилар учун тегишли шароитлар яратиб берди. Мусобақанинг шахмат баҳсида вилоятимиз ёш спортчилари фахрли иккинчи ўринни кўлга киритдилар. Спорт гимнастикаси бўйича вакилларимизга учинчи ўрин насиб этди. Шахсий биринчиликда спорт гимнастикасидан Руслан Эргашев, энгил атлетикадан Александра Котлярова, ядро улоқтириш бўйича Максим Гончаров, тўсиқлар оша югуришда Динора Исломова ва Вагиз Тазеевлар, 1500 метрга югуриш бўйича Жамшид Тиллаевлар кумуш медаллар соҳиби бўлишди. 200 метрга югуриш мусобақасида Зебо Қосимова учинчи ўринни эгаллади. Миллий кураш туридан Сухроб Худойбердиев, Урол Махмудов, Шониез Рўзикулов, белбоғли курашдан Шерзод Ўлжаев совринли учинчи ўрин соҳиби бўлишганига қарамай, умумжамоа ҳисобида вилоятимиз ёш спортчилари олтинчи ўринни кўлга киритишди.

Ўтган йилги мусобақада тўққиз-

зинчи ўринни эгаллашганди. Вилоятимиз спортчилари умумжамоа ҳисобида янада яхшироқ натижаларга эришиш мумкин эди. Аммо айрим спорт турлари бўйича яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги панд берди. Жумладан, стол тенниси бўйича вакилларимиз (мураббий Д.Ким) 8-ўриндан 10-ўринга тушиб кетдилар.

Баскетбол тури бўйича спортчиларимиз кўрсатган «натижа»дан уялади киши - 13-ўрин. Ўтган йили 7-ўрин кўлга киритилганди. Бундан ёшларни республика мусобақасига тайёрлаган мураббийлар хулоса чиқариб олса яхши бўларди. Шунингдек, вакилларимиз миллий курашдан 7-ўрин, волейболдан (қизлар) - 8-ўрин, белбоғли курашдан эса зўрға 9-ўрин билан кифояланишди.

Ҳўш, вилоятимиз терма жамоаси 6-ўринга муносибми? Албатта йўқ. Спортчиларимизнинг келаси йили яхши натижаларга эришиши учун ҳозирданок тайёргарлик ишларини бошлашимиз лозим.

Умумтаълим мактабларида болалар спортини, ўқувчилар жисмоний тайёргарлигига эътиборни кучайтиришимиз керак.

Мамажон АХМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Зарафшон» мухбири

ҚОСИМЖОНОВ ДУНЁ НИГОҲИДА

Ливия пойтахти Триполи шаҳрида шахмат бўйича ўтаётган жаҳон чемпионатини бугун жаҳон кузатмоқда. Чемпионат ҳозирда қизгин паллага кирди. Бир юз йигирма саккиз шахматчи орасидан финалгача етиб келган халқаро гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов ва англиялик Майкл Адамс ҳал қилувчи финал баҳсларини олиб бормоқда.



Жаҳон чемпионати қондасига кўра, финал учрашуви олти партиядан иборат бўлади. Ўзбекистонлик шахмат устаси ҳамда Майкл Адамс ўртасидаги биринчи партиядо голиб аниқланмаганди. Учрашув 18-юришда дуранг натижа билан якунланганди.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Рустам Қосимжонов бунгача Майкл Адамсга қарши уч маротаба дона сурган. Бироқ, учала баҳсда ҳам голиб аниқланмаган - ўйинлар дуранг натижа билан тугаганди.

Олти партиядан иборат финалнинг биринчи беллашувида оқ доналар билан ўйнаган Майкл Адамс 18-юришда Рустам Қосимжоновга дуранг таклиф қилган эди. Ўзбек шахматчиси рақибининг таклифига рози бўлди.

Иккинчи партияди Рустам Қосимжонов бошлади. Инглиз шахматчиси жаҳон рейтингда ҳамюртимиздан юқори ўринни эгаллаб турган бўлса-да, бу баҳсда Рустамга етарлиқ қаршилиқ кўрсата олмади. 55-юришда англиялик гроссмейстер Майкл Адамс шахматчимиз Рустам Қосимжоновнинг галабасини тан олишга мажбур бўлди.

Б.АХМАТОВ тайёрлади.

ТАЙСОН ВА ТЕМУР БИРГА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

Дунёнинг таниқли профессионал боксчиларидан бири, ўта оғир вазни америкалик собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон жорий йилнинг 30 июль куни Буюк Британия вакили Дэнни Вильямсга қарши навбатдаги жангини ўтказмади.

«Темир Майк» лақаби билан машҳур америкалик боксчи мазкур жангга тайёрланиш учун ўзбекистонлик ўта оғир вазн боксчиси Темур Иброҳимовни спарринг-рақиб сифатида танлаган. Айни пайтда ҳар иккала боксчи машғулотларда бирга шуғулланаётди ва рингда бир-бирига қарши назорат жанглари ўтказмоқда.

Яқинда Темур Иброҳимов АҚШнинг «The Salt Lake Tribune» газетаси журналистларига машҳур боксчи билан машғулотлар жараёнида олаётган таассуротларини гапириб берди. Ҳамюртимизнинг айтишича, Майк Тайсон ажойиб зарбага эга. Рингда жуда тез ҳаракат қилади. Майкнинг анча кучли ва ўта оғир боксчилар ўртасида яна ўз ўрнини топишига қурби етади.

Профессионал рингда 50 маротаба галаба қозонган Майк Тайсон бежиз Темур Иброҳимовни спарринг-рақиб сифатида танламаган. Ўзбекистонлик спортчи ҳам энгилмас боксчилардан ҳисобланади.

Ҳамюртимиз профессионал боксда 14 маротаба рингга чиққан. Шулардан ўн учтасида галаба қозонган, етти учрашуви мuddатидан олдин тугатиб, рақибларини нокаутга учратган. Фақатгина бир баҳсда дуранг натижа қайд этилган. Шубҳасиз, Майк Тайсон билан елкама-елка машғулот ўтказиш боксчимизга ҳам навбатдаги жангларда катта фойда беради.

Ш.НОМОЗОВ тайёрлади.

ҚАҲРАМОННИНГ ГАЛАБАСИ

Москва шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Қахрамон Орзикулов 53,42 килограммгача вазн тоифасида Беларусь вакили - Дмитрий Рябиковга қарши рингга чиқди.

Беларуслик боксчи беллашув бошидаёқ Қахрамонга кучли зарбалар беришга ҳаракат қилди. Лекин учрашувга жиддий тайёргарлик кўрган ҳамюртимиз ишончли ҳимояланди ва қарши ҳужумга ўтди. Биринчи раундда ўзбекистонлик профессионал боксчи рақибдан маҳорат ва тажриба ботида анча устунлиги сезилиб қолди.

Д.Рябиков Қ.Орзикуловнинг кетма-кет берган зарбаларини ўтказиб юборди ва икки маротаба рингда кулаб тушди. Жангда техник нокаут билан ўзбекистонлик боксчи галаба қозонгани эълон қилинди.

Жаҳон рейтингда 96-ўринда қайд этилган Қахрамон Орзикулов профессионал рингдаги еттинчи галабасини нишонлади. Жами саккиз жанг ўтказган ҳамюртимиз беш беллашувда рақибларини мuddатидан олдин енгиб, бир учрашувда имкониятни бой берган.

Феруза ЖАЛИЛОВА тайёрлади.

ХИТОЙДА ЯНА ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ

Лондонда жойлашган «Халқаро Амнистия» инсон ҳуқуқлари ташкилотининг янги ҳисоботида Хитой ҳукумати аксил-террор урушидан уйғурларни таъқиб қилиш учун фойдаланаётгани қайд этилади. Ташкилот бу ҳолни танқид қилар экан, террорчиликка қарши уруш деган баҳона билан Хитой ҳукумати Шинжон-Уйғур мухториятида сиёсий ва диний диссидентларга қарши тазйиқларни кучайтирганини таъкидлаган. Ҳисоботда,


шу билан бирга, қўшни мамлакатлардан мажбурий равишда Хитойга қайтарилган уйғурларга нисбатан ҳам қийноқлар қўлланилаётгани айтилади.

Шу ерда бир нарсани айтиш лозимки, ўтган йил декабрь ойида Хитой ҳукумати биринчи бор террорчи ташкилотлар рўйхатини эълон қилган эди. Ўша рўйхатга уйғурлар мустақиллиги учун курашаётган тўртта гуруҳ ҳам киритилган эди.

АЛЬПДА АЛЬПИНИСТЛАР ҲАЛОК БЎЛДИ

Италиянинг Альп тоғларида франциялик бўлган альпинистлар муваффақиятсизликка учради. Бу кутилмаган воқеада тўрт нафар киши ҳалок бўлган, икки киши эса оғир яраланган.

Бу ҳақда Италиянинг фуқаро-



ларни ҳимоя қилиш хизматининг айтишича, воқеа пайшанба куни Франция билан чегарадош бўлган тоғли худуд Валь-д'Аоста вилоятида содир бўлган. Альпинистлар чоршанба куни йўлга отланиб, 4225 метр бўлган Кастор қоясига забт этмоқчи бўлган. Улар қояга кўтарила бошлаганда қаттиқ шамол бўлиб пастликка юмалаб тушган. Уларнинг тўрт нафари воқеа жойида ҳалок бўлган, икки нафари эса касалхонага олиб кетилган.

Интернет хабарлари асосида **К. АХЛИДИНОВА** тайёрлади.

ХОДОРКОВСКИЙ 10 ЙИЛГА ҚАМАЛИШИ МҮМКИН



Россия Адлия вазирлиги «Юкос» нефть ширкатидан 2000 йилда 3,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридан тўланмай қолган солиқни ундириш чораларини кўрмоқда. «Юкос» Матбуот котиби Александр Цадриннинг билдиришича, Адлия вазирлиги расмийлари полиция ходимлари билан биргаликда ширкат депозитарийси биносига «Юкос» активлари ҳақидаги маълумотни топиш мақсадида тинтув ўтказганлар.

Британияда нашр этилаётган «Файнэншл Таймс» газетасининг ёзишича, «Юкос»нинг собиқ раҳбари Михаил Ходорковский солиқларни тўлаш учун ўзига тегишли «Юкос» акцияларидан қисман ёки батамом воз кечишга тайёрлигини билдирган. Ходорковскийнинг ўзи ҳозирда қамоққа олинган. Миллиардер солиқларни тўламаганлик ва молиявий фирибгарликда айбланмоқда. Айблар исботланса, Ходорковский 10 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Miallim» мувофиқлаштирувчи маркази тугатилди.

Эътирозлар эълон чиққандан сўнг бир ой мuddат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, 700100, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55, ОКПО коди 17298794.
Телефон: 139-14-15.

Тошкент педагогика билим юрти томонидан 1990 йилда Нигманова Сайёра Нухритдиновна номига берилган НТ-1 № 252145 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти давлат педагогика институти томонидан 1977 йилда Хайдаров Махсудали Умаралиевич номига берилган 1205 № 999669 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси «Шарқ юлдузи» журнали бўлим мудири, шоир Икром Отамуродовга онаси **САЛОМАТ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ma'rifat» газетаси таҳририяти жомоаси таниқли шоир Икром Отамуродовга онаси **САЛОМАТ** аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, қасаба уюшма кўмитаси ҳамда ҳуқуқшунослик факультети жамоаси «Фуқаролик жараёни» кафедраси мудири, юридик фанлари доктори Рустам Рўзиевга укаси **НОДИРБЕК РЎЗИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

БОЛАЛАР ТЎҚИГАН ЭРТАКЛАР



Инсон табиатнинг бир бўлаги. У бутун ҳаёти ва фаолияти давомида табиат билан чамбарчас, уйғун яшайди. Одамзот борлиқнинг тароватидан баҳраманд бўлиб, ундан куч олади.

Мамлакатимизнинг гўзал ва бетакрор ҳусни ҳам ўзига хос ҳозибга эга. Она табиатни севиш, уни асраш-авайлаш ҳозирги кунда бошланғич таълим масканларида етакчи ўринларга қўйилмоқда. Мактабнинг бошланғич синфларидан бошлаб болаларга экологик билимлар сингдирилмоқда. Ёшларда экологик тарбиyani ривожлантиришнинг яна бир усули, бу экологик мавзудаги эртактлар бўлиб, айна шундай китоб яқинда дунё юзини кўрди. Унинг ажойиблиги шундаки, унда тўпланган эртактлар мактаб ўқувчилари томонидан ёзилган. Болалар дунёни, борлиқни, яшаётган жонзотларни севишга ундайдиган эртактларни ўзига хос усулда

ёзишган. Улар ўз ижодларида тоғ ва далалар, қуш ва ҳайвонлар тилидан кўпгина муаммоларни ёритишга ҳаракат қилганлар. Тўплам «Экологик эртактлар» номи остида рус тилида чоп этилди.

Табиатни асрашга астойдил аҳд қилган ўғил-қизлар бугунги кунда «Ёш экологлар» клубларини ташкил қилган ва ҳозирда кўшни мамлакатлар болалари билан Табиатни муҳофаза қилиш ассоциацияларига бирлашишмоқда.

Шундай клубларнинг бири Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги 80-мактабда фаолият кўрсатмоқда. У ерда болалар ҳар хил экологик ўйинларни ташкил қилиб, ўз тенгдошларининг экологик маданиятини оширишга баҳоли қудрат ҳаракат қилмоқдалар. Бундай экология клублари Бутунжаҳон табиатни муҳофаза қилиш жамғармаси томонидан ташкил қилинаёпти. Дунёнинг турли бурчакларида жамғарма ўз ихлосмандларини топиб, минглаб болаларни ўз аτροφига жамламоқда, ҳар хил турдаги лойиҳалар тузмоқда ва кўплаб тадбирлар ташкил қилаёпти. Дунё экологиясини бугунги кунда асраш, унинг бетакрор тароватини сақлаб қолиш умумқамровли вазибаларга айланиб қолган. Шундай экан, мамлакатимизнинг табиатсевар ёшлари ҳам ушбу ишларга озми-кўпми ўз хиссаларини қўшмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Мария ГРИГОРЯНЦ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факультети талабаси

Ўн бир йил оқар сувдек ўтиб кетиб, жонажон мактабимиз билан хайрлашиш вақти келди. Шундагина у биз учун қанчалар қадрли ва эъзозли бўлиб қолганини тушуниб етдик.

Меҳрибон устоз-муаллимларни жам қилган, юзлаб ўқувчиларни бағрига олган мактабимиз пойига бугун қанчалар таъзим қилсак ҳам кам.

Мен ҳам барча битирувчилар сингари ўз мактабимдан, меҳрибон устозларимдан миннатдорман. Мактабимизнинг йиллар давомида ижобий натижаларга эришиб келишида устозимиз Санобар Камоловнинг хизматлари катта. Мактабда хитой тилини ўргатиш чуқурлаштирилган. Бу борада Хитой давлати элчихонаси би-

**УСТОЗЛАРИМ
ИШОНЧИННИ ОҚЛАЙМАН**

ла н алоқа ўрнатилди. Мактабимиз ўқувчилари шаҳар, республика олимпиадаларида юқори ўринларини эгаллашмоқда. Битирувчиларимиз нафақат республикамиздаги, балки хориждаги нуфузли олийгоҳларда ҳам ўқишга муяссар бўлмоқдалар.

Устозларимизнинг маҳорати, ўқувчиларнинг истеъдоди билан мактабимизнинг обрўси ошмоқда. 1995 йилда Хитой давлати бош вазири Ли Пеннинг рафиқаси мактабимизга ташриф буюриб, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг билимларини юқори баҳолаган эди.

Ҳозирда мактабимизга Фахриддин Шамсиев раҳбарлик қилаёпти. Мактабда хитой тили билан биргаликда корейс тилини ўқитиш ҳам жорий қилинди.

Мен ўз мактабим билан хайрлашар эканман, қаерда бўлсам ҳам мактабим шаънини, устозларим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Ойбек ШОСАИДОВ,
Шайхонтохур туманидаги
59-мактаб битирувчиси

КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Тозалаш воситаси. 4. Черков руҳонийси. 7. Ҳикоя тури. 10. Бир айғирга эга биялар тўдаси. 11. Осмоннинг ер билан туташгандай бўлиб туюладиган жойлари, горизонт. 12. Юнон ҳарфи. 13. Майдон ўлчов бирлиги. 14. Олмос ўлчови. 17. Вафодор ҳайвон. 19. Галла маҳсулоти. 20. Юз, чехра. 22. Шарбатли мева. 24. Германиядаги шаҳар. 26. «Гўрўгли» туркумига кирувчи дoston. 27. Европадаги дарё. 29. Намоз вақти. 31. Ота (шевада). 3. АҚШ штати. 35. Финиш. 38. Нуксон, камчилик. 40. Авто русуми. 41. Қат, тахлам. 42. Шиддатли ёғин. 43. Ёввойи от. 44. Тиғ билан пичоқ орасидаги қиялик. 45. Қизлар исми. 46. Тобе, муте. 47. Араб ҳарфи. 49. Юнонистон пойтахти. 52. Мотам маросими. 54. Баҳодир. 56. Волга ирмоғи. 58. Ҳашаматли кўрғон. 60. Марказий Европадаги давлат. 61. Адир чечаги. 64. Хушбўй ис, хид. 66. Навоий Шарафиддин Али Яздий билан учрашган шаҳар. 68. Мусиқий нота. 69. ...-Фарғоний. 70. Жума. 73. Дона. 74. Маъшуқа, дилдор. 76. Кўзгудаги тасвир. 77. ...-Гранде, АҚШдаги дарё.

| | | | | | | | | |
|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| | | 10 | | | 11 | | | |
| 12 | | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| | 20 | | 21 | | | 22 | | 23 |
| 24 | 25 | | 26 | | | | 27 | 28 |
| | | 29 | 30 | | | 31 | 32 | |
| 33 | 34 | | 35 | 36 | 37 | | 38 | 39 |
| | 40 | | | | 41 | | | |
| 42 | | | 43 | | | | 44 | |
| | 45 | | | | 46 | | | |
| 47 | 48 | | 49 | 50 | 51 | | 52 | 53 |
| | | 54 | 55 | | | 56 | 57 | |
| 58 | 59 | | 60 | | | | 61 | 62 |
| | 64 | 65 | | | | 66 | 67 | |
| 68 | | 69 | 70 | 71 | 72 | 73 | | 74 |
| | 75 | 76 | | | 77 | | 78 | |
| 79 | | | 80 | | | 81 | | |

79. Иш суръатини белгиловчи мезон. 80. Мард, бир сўзли. 81. Қирғиз халқ эпоси.

БЎЙИГА: 1. А.Қаҳҳор асари. 2. Тенг боғловчи. 3. Осиёдаги дарё.

4. Ички қалъа. 5. Қаҳвахона. 6. Ширин мева. 7. Дoston айтувчи, бахши. 8. Майин шабада. 9. Африкада яшовчи қийик. 13. Сув йўли. 15. Манзарали дарахт. 16.

Ёввойи кўй. 18. Тўқимачилик ашёси. 20. Вақт ўлчови, лаҳза. 21. Тилла. 22. Кўрсатиш олмоши. 23. Мусиқий нота. 25. Орқа. 28. Чолғу асбоби. 30. Нефть маҳсулоти, мой. 32. Мевали дарахтнинг бир йилда иккинчи бор берган ҳосили. 33. Нур таратувчи само жисми. 34. Келажак, зурриёт, насл. 35. Қуш тури. 36. Авто ва мото мусобақа. 37. Чақалоққа исми қўйиш маросими. 38. Маълум бир соҳага оид сўзлар, термин. 39. Кабоб тури. 48. Қасида. 50. Фитна, физк ... 51. Ҳам дарё, ҳам таом номи. 53. Катта хона. 54. Учбурчак шаклидаги торли мусиқа асбоби. 55. Майин пат. 56. «Куръони Карим» жумлалари. 57. Юнон ҳарфи. 58. Эски, аввалги. 59. Мусиқий нота. 62. Йигит қаноти. 63. Ипак газлама тури. 65. Борлиқ, дунё. 67. Энг кичик зарра. 70. Тағ қисм. 71. Рухсат, ижозат. 72. Пардақанотлиларнинг найа думли тури, ҳашорат. 75. Қуёш системасига кирувчи сайёра. 78. Томон.

Орифжон МАДВАЛИЕВ
тузди.

Xullas...

ХОҲ ИШОНИНГ, ХОҲ ИШОНМАНГ

Америкаликлар орасида мечкайлар кўплаб учрайди. Улар овқат ейишни яхши кўрганлари учун эмас, балки «кимўзар» мусобақасида голиб чиқиш учун ҳам нафсига насиҳат қилмайдилар, деб ёзилади «Чикаго сан» газетаси саҳифаларидан бирида.

Мақолада баён қилинишича, Калифорния университети талабаси Ральф Дейнек бир ярим минут давомида 34 та бананни паққос туширган. Нью-Йорк ресторанидан бирида хўранда Олаф Мендгрэн 32 та тухумни ютиб, ўтирганларнинг хайратдан оғизлари ланг очилишига сабаб бўлди. Ҳар тухум ютганда Олаф озгинадан нафас ростлаб олган, акс ҳолда кўнгли айнаши аниқ эди. Йигитлардан хонимлар ҳам қолишмас экан. Дауд-свелла деган аёл телекамера қаршисида 4 минут 32 секунд ичида 95 та сосискани еб тамом қилди. «Кимўзар» мусобақаси ўз йўлига, аммо шундан сўнг мечкайларнинг ошқозонида қандай ҳолат рўй берар экан?

БИР СУТКАДА ЁЗИЛГАН РОМАН

Ҳали бунақаси бўлмаган, ишонаверинг. Ёзувчилар ўз романларини йиллар мобайнида яратишади. Фақат рекорд натижа билан бутун дунёни лол қолдирмоқчи бўлган ҳаваскор (профессионал эмас) ёзувчиларгина қисқа муддатда бу ишни амалга ошириши мумкин.

Алқисса, чехиялик Йозеф Фарманек «Учувчи қоплон» деб аталувчи романи маҳаллий вақт билан роппа-росса соат 15-00 да ёза бошлади. Асарда ёзувчи Прагадаги Вацлав майдони ўтмишини турли тахминларга асосланиб кўрсатади. Йозефнинг матни китоб дўконларидан бирида ўтириб ёзгани қизиқ... Шуниси диққатга сазоворки, қўлёзма пешмапеш босмахонага етказиб турилган.

Эртаси куни айнан ўша соатда янги асар китоб ҳолида дунё юзини кўрди. У самолёт ва автобусларда мамлакатнинг 9 та шаҳридаги китоб дўконларига етказилди. Аммо «Учувчи қоплон»нинг харидоргирлик даражаси ҳақида олдиндан бир нарса дейиш қийин... Китобхонлар уни бир кунда ёзилганини ҳисобга олиб ҳам харид қилсалар, ажаб эмас...

ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалари.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди —

Ma'rifat

**ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:**
Ўзбекистон Халқ таълими
вазирлиги, Ўзбекистон
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги, Таълим
ва фан ходимлари касба
уюшмаси Марказий
Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ,
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром
БЎРИБОВЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Шукур ЖОНБОВЕВ, Фахриддин
КАРИМОВ (масъул котиб), Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ,
Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари), Хулқар ТҶИМАНОВА,
Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла
ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-829.
Тиражи 21368. 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табак.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Насиба ЭРХОНОВА.
Навбатчи:
Азиз НОРҚУЛОВ.

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш
таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга
қайтарилмайди.

MANZILIMIZ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий
таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мак-
табдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —
136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт ян-
гиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таъ-
лим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга
йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари
бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғиб бўли-
ми — 136-54-69.